

QO'SHINGA QO'SHILGAN YANGI QONLAR



Qurolli Kuchlar, xususan, Mudofaa vazirligi tizimida ofitser kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va ular malakasini muntazam ravishda oshirib borish masalasiga alohida e'tibor qaratiladi.

3-sahifa▶▶

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqqan boshlagan ● 2022-yil 8-iyul, №27 (2986)

XALQ VA ARMIYA – BIR TAN-U BIR JON!

VATANPARVAR

www.mv-vatanparvar.uz IJTIMOY-SOVIYALASHUV VA O'QUV-ILM HUKUMATI, FIY, HARBIIY-VATANPARVARLIK GAZETASI



KASBIY MAHORAT OSHIRILMOQDA



Ona Vatan tinchligi va osoyishtaligini asrash – er yigit uchun sharaf, muqaddas burch. Binobarin, Qurolli Kuchlar saflarida ana shunday mard va jasur o'g'lonlar o'z yigitlik burchini sidqidildan ado etmoqda.

4-sahifa▶▶



REABILITATSIYA ASOSLARI

7-sahifa▶▶



“MEN ASKARMAN – VATAN POSBONI”

8-9-sahifalar▶▶

“KELAJAK BIZNIKI!”

Iyun oyi Xalqaro bolalar kuni bilan boshlanib, Yoshlar kuni bilan tugallanadigan oy...

10-sahifa▶▶



QAYUMOVA REYTINGDA PESHQADAM

18-sahifa▶▶

@ vatanparvar-bt@uamail.uz

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

Tahririyat
haqida
ma'lumot



ЛОЙИХАЛАШ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ БЕЛГИЛАНДИ

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 6 ИЮЛЬ КУНИ АРХИТЕКТУРА, ҚУРИЛИШ ВА ШАҲАРСОЗЛИК БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ ЮЗАСИДАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИ ЎТҚАЗИЛДИ.

Қурилиш – ҳаёт талаби, иқтисодиётнинг етакчи соҳаларидан бири. Юртимизда бу соҳага кенг имкониятлар берилгани натижасида бунёдкорлик суръати ошди. Сўнгги беш йилда 250 минг хонадонли 8 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар, 21 мингта сервис ва 10 мингдан зиёд ижтимоий объектлар, 31 мингта корхона барпо қилинди.

Шу даврда қурилиш ишлари ҳажми 4 бараварга ошиб, 2021 йилда 107 триллион сўмни, жорий йилнинг беш ойида 46 триллион сўмни ташкил этди.

Бундай ўсиш яхши, албатта. Лекин соҳада лойиҳалаш ва сифат борасида ҳали камчиликлар бор. Ҳамма қурилиш билан бўлиб, архитектура орқада қолиб кетди.

Шу боис йиғилишда, аввало, лойиҳалаш ва қурилиш ишларини тартибга солиш масалаларига эътибор қаратилди.

Кўп жойларда илгари тасдиқланган Бош режалар аҳоли ва иқтисодиётнинг бугунги ўсишига мос келмай қолган. Хорижий экспертларнинг таҳлилларига кўра, Бош режалар бўлмаса, 2030 йилга бориб, инфратузилма харажатлари 2 бараварга ошади ва қишлоқ хўжалиги ерлари 30 минг гектарга камайиб кетади.

Шу боис лойиҳалаш ва қурилиш ишлари бўйича янги тизим жорий этилиши белгиланди. Унга кўра, ҳудудларнинг Бош режаси ва «мастер режа»ларини ишлаб чиқиш бўйича Республика кенгаши тузилади. Қурилиш вазирлигида Бош архитектор лавозими жорий қилиниб, унга ва-

зирнинг биринчи ўринбосари мақоми берилади.

Вилоятларда «лойиҳа офислари» очилиб, уларга ҳокимнинг биринчи ўринбосари ва вилоят Бош архитектори масъул бўлади. Шунингдек, туман ва шаҳар қурилиш бўлимига архитектор раҳбарлик қилади.

Бош режа ва «мастер режа»ни ишлаб чиқиш янги ҳаёт асосида, 3 босқичда бўлади. Биринчи босқичда Республика кенгаши мўайян вилоятнинг 5, 10 ва 20 йиллик ривожланиш йўналишлари, ер ва инфратузилма чегараларини белгилайдиган «Бош схемаси»ни тасдиқлайди. Улар асосида, иккинчи босқичда, ҳудуднинг Бош режаси ишлаб чиқилади. Бунда саноат, хизмат кўрсатиш ва аҳоли масканларини белгилаш, йўллар ва инфратузилма тармоқларини тақсимлаш кўзда тутилади. Учунчи босқичда Бош режаларга асосан, вилоят, туман ва шаҳар бош архитекторлари ҳамда ҳокимнинг биринчи ўринбосарлари ўз ҳудудининг «мастер режа»ларини тасдиқлайди. Бунда уй-жойлар, мактаб, боғча, шифохона, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг жойлашуви кўрсатилади.

Қисқача айтганда, энди Қурилиш вазирлиги қайсидир маҳаллада дўкон қаерда бўлиши ёки бино қандай ёритилиши билан шуғулланмайди. Бундай масалалар туман ва маҳалла даражасида ҳал бўлади.

Давлатимиз раҳбари шаҳарсозлик қондаларини такомиллаштириш ҳамда халқаро меъёрларга мослаштириш зарурлигини таъкидлади.

Жумладан, халқаро стандартлар асосида тайёрланган лойиҳаларга Техник кенгаш хулосасини олиш тартиби бекор қилинади, хорижда экспертизадан ўтказилган лойиҳалар тўғридан-тўғри тан олинади.

Бундан ташқари, қурилишда товарлар ва хизматлар нархини шакллантириш тизими ҳам тартибга солинмаган. Ишларни баҳолаш бўйича яхлит ёндашув йўқ. Оқибатда талон-торожлик ва коррупция кўп.

Шу боис шаҳарсозлик меъёрларидан қурилиш ишларини баҳолаш билан боғлиқ 147 та норма чиқариб ташланадиган бўлди. «Қурилиш ресурслари классификатори» платформасини ишга тушириб, 100 мингдан зиёд қурилиш материаллари ва хизматларининг бозор нархини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, лойиҳаларни тайёрлаш муддатини камайтириш мақсадида «Шаффоф қурилиш» дастурида «электрон каталог» яратилиб, ижтимоий объектларнинг намунавий лойиҳалари жойлаштириб борилади. Ундан барча буюртмачилар ва лойиҳа-пудрат ташкилотлари эркин фойдаланиши мумкин бўлади.

Йиғилишда вилоят ҳокимликлари қошидаги Ягона буюртмачи компаниялар фаолияти таҳлил қилинди. Уларга хорижий менежерлар, малакали архитектор ва муҳандисларни жалб қилиш, қурилиш жараёни ва иш ҳажмини ҳисоблашни рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, келгуси йилдан Ягона буюртмачи компанияларнинг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш, янги қурилишлар бўйича техник назорат функциялари босқичма-босқич аутсорсинг асосида хусусий секторга берилади.

Президентимиз қурилишлар сифати масаласига алоҳида тўхталди.

Бу соҳадаги давлат назорат инспекцияси ходимлари ўз фаолиятини кўпроқ жарима қўллашдан иборат, деб ҳисоблайди. Аслида, қурилишдаги камчиликларнинг 70 фоизи кўпинча такрорланади ва уларнинг олдини олиш мумкин.

Шу боис ушбу инспекция фаолиятини қайта кўриб чиқиб, унинг ишини қурилишдаги тизимли камчиликлар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда бартараф этишга қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Қурилиш вазирлигига объектларни рўйхатга олишдан бошлаб, фойдаланишга қабул қилишгача бўлган барча жараёнларни рақамлаштириш вазифаси қўйилди.

Кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор қаратилар экан, Тошкент ва Самарқанддаги архитектура институтларига академик ва молиявий мустақиллик берилиши айтилди. Уларда ўқиш халқаро таълим дастурлари асосида йўлга қўйилади. Талабалар етакчи лойиҳа-қидирув институтлари ва қурилиш кластерларига бириктирилади.

Йиғилишда ипотека кредитларидан фойдаланиш даражаси ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, жорий йилда бюджетда тижорат банкларида 43 мингта уй-жой учун 13 триллион сўм, 29 минг нафар аҳолига субсидия учун 1 триллион 200 миллиард сўм кўзда тутилган. Лекин ўтган олти ойда аҳолига бу маблағларнинг 28-30 фоизи берилган, холос.

Шу боис бу борада ҳам бюрократияни камайтириш, аҳолига комплекс хизмат кўрсатадиган ипотека марказларини ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари сўзга чиқиб, фикр ва таклифларини билдирди.

(ЎЗА)

Harbiy ta'lim

МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ОРАСИДА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР АКАДЕМИЯСИ АЛОҲИДА МАВҚЕГА ЭГА. НЕГАКИ МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ САФИГА ОФИЦЕР КАДРЛАР ТАЙЁРЛАБ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ОШИРИШ БОРАСИДА АКАДЕМИЯ ЎЗ УСЛУБИ ҲАМДА АМАЛИЁТИГА ЭГА.

Замон талаблари асосида олиб борилаётган ислохотлар натижасида ҳарбий таълим масканида ўқув жараёнлари йилдан йилга янада такомиллашиб бормоқда. Қуролли Кучлар академиясида таҳсил олаётган куч тузилмалари офицерлари ва курсантлар учун миллий таълим тизимидан ташқари, хорижий давлатлар армиялари тажрибасини ҳам ўрганиш имконияти мавжуд. Академияда ташкил этилган АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россия Федерацияси, Туркия, Хитой, Франция, Ҳиндистон, Покистон каби ўндан ортиқ хорижий давлатлар ўқув синфлари бунинг яққол мисолидир. Эндиликда шундай синфларнинг сони 14 тага етиб, улар қаторига Италия ўқув синфи ҳам қўшилди.

Италиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Агостино Пинна бошчилигидаги делегация ўқув синфининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди. Хорижлик меҳмонларни Қуролли Кучлар академиясида мудофаа вазири ўринбосари полковник Алишер Норбоев ҳамда академия бошлиғи полковник Бабур Шаякубов кутиб олди.

ҲАМКОРЛИК ДОИРАСИ КЕНГАЙМОҚДА



Элчи Агостино Пинна, Италия элчихонасининг ҳарбий атташеси полковник Стефано Порчедда ҳамда «Леонардо» мудофаа компанияси вакиллари Алишер Норбоев ва Бабур Шаякубов ҳамроҳлигида таълим муассасаси билан яқиндан таништирилди. Меҳмонлар ташриф жараёнида яратилган шарт-шароитлар, ўқув синфлари, кутубхона ва бошқа қулайликларни кўздан кечиришди. Шундан сўнг Италия ўқув синфининг тантанали очилиши бўлиб ўтди.

– Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясига ташриф буюриб турганимдан мамнунман. Бу ерда Италия ўқув синфининг очилиши ҳар икки давлат Мудофаа вазирлиги томонидан олиб борилаётган ҳарбий ва ҳарбий таълим соҳа-



сидаги дўстона ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Элчихонамиз ҳарбий атташеси полковник Стефано Порчедда ҳамда «Леонардо» мудофаа компаниясининг саъй-ҳаракатлари билан ўқув синфининг очилишига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу борада бизга яқиндан амалий ёрдам кўрсатган Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги раҳбариятига миннатдорлик билдираман. Уйлайманки, академияда келгусида ҳам давлатларимиз ўртасидаги кўплаб дўстона тадбирлар ташкил этилади ва уларда қатнашиш имкониятига эга бўламан, – деди Агостино Пинна.

Асрор РЎЗИБОВЕВ



Xalqaro harbiy hamkorlik

Қуролли Кучлар, хусусан, Мудофаа вазирлиги тизимида офицер кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини мунтазам равишда ошириб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Юртимиздаги олий ҳарбий билим юртларида креатив фикрлайдиган, илғор технологик жараёнлардан хабардор, сиёсий-ҳарбий билимларга эга ҳамда шахсий таркиб билан ишлаш кўникмасини ўзида мужассам этган замонавий ҳарбий кадрлар тайёрланиб, қўшинларга юборилмоқда. Бу, албатта, миллий армиямиз кучига куч, қудратига қудрат қўшади.



ҚўШИНГА ҚўШИЛГАН

ЯНГИ ҚОНЛАР

Бундан ташқари, Мудофаа вазирлиги дунёнинг илғор давлатлари билан ҳарбий ҳамкорлик доирасида ҳарбий таълимнинг турли йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, яқинда икки офицеримиз – подполковниклар



Фарҳод Ҳашимов ва Халил Абдурахмонов Россия Федерацияси Қуролли Кучлари Бош штаб ҳарбий академиясининг магистратура босқичини муваффақиятли тамомлаб, имтиёзли диплом билан юртимизга қайтиб келишди.

Миллий хавфсизлик ва давлат мудофааси йўналиши бўйича олиб борилган ўқув жараёнларида юртимиз вакиллари ўзларининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, машғулотларни тез ва осон ўзлаштириши билан алоҳида ажралиб турди. Бу албатта бизнинг шахсий эътирофимиз эмас. Буни қуйида билиб олишингиз мумкин.

Подполковник Фарҳод Ҳашимов икки йиллик назарий ва амалий таълим хусусида шундай дейди:

– Ўқув жараёнлари бевосита амалиёт билан узвий боғланган ҳолда олиб борилди. Бу қандай бўлади? Бунда маълум зиддиятли вазият юзага келтирилиб, биринчи босқич тингловчилари мудофаа операциясида иштирок этса, иккинчи босқич тингловчилари қарши ҳужум операциясида ҳаракат олиб боради. Энг муҳим жиҳати, моҳирони аввал ноҳарбий методлар билан ҳал этиш чоралари кўрилади. Бунда ҳар бир тингловчи ноҳарбий ташкилот ва

вазирликларнинг маълум лавозимларига шартли равишда тайинланиб, вазиятни ижобий ҳал этиш бўйича ўз таклифларини беради. Масалан, мен бир ўқув машғулотида ташқи ишлар вазири лавозимида иш олиб бордим. Машғулотларда ҳарбийларнинг ноҳарбий ташкилот раҳбарлари вазифасига шартли тайинланиши ва қарор қабул қилиши уларнинг мижро кўламини теранроқ ҳис этиши ва келгусидаги қуролли тўқнашувларнинг сабаб-оқибатларини яхшироқ англашига ёрдам беради. Бу тажрибани хизмат фаолиятим давомида торроқ доирада бўлса-да, қўллаб кўришни ният қилдим.

Агар шунда ҳам вазият ижобий томонга ҳал бўлмайдиган бўлса, масалани ана ундан кейин ҳарбий йўллар билан ечиш чоралари кўрилади. Бу энди кейинги ўқув жараёни ҳисобланиб, тингловчилар ҳарбий лавозимларга қайта тайинланиб чиқилади. Вазият бўйича ҳамма ўз қарорини қабул қилгач, улар симуляция марказида умумийлаштирилади ва инсон омилсиз баҳоланади. Нокамтарлик бўлса-да, айтиб ўтишни жоиз топдим: ана шу машғулотларда энг юқори ва муҳим лавозимлар бизга, Ўзбекистондан борган ҳарбий хизматчиларга ишониб топширилар

эди. Шундай бўлганидан кейин биз албатта ўз билим ва салоҳиятимизни кўрсатамиз.

Икки йиллик магистратура таълими ҳам ўз якунига етпти. Якуний имтиҳонлар бошланди. Подполковник Фарҳод Ҳашимовга тўрт томони денгиз билан ўралган давлат вакиллари ҳам қийналиб қоладиган савол-топшириқ тушди: Денгиз операциясини ўтказиш босқичлари, элементларини бир-бир санаб беринг. Имтиҳон хонаси қисқа ва оғир сукунатга чўмди ва... юртдошимиз топшириққа шунақанги аниқ-тиниқ жавоб бердики, якуний имтиҳонларда иштирок этаётган Россия Федерацияси Қуролли Кучлари Бош штаб бошлиғининг ўринбосари ўрнидан туриб кетаёзди. Унинг биргина саволи эса шундай бўлди:

– Ўзбекистонда денгиз бормиди ё мен адашяпманми?
– Бор, Орол денгизи!

Шу куни юртимизга Россия Федерациясининг турли олий ҳарбий билим юртларини муваффақиятли тамомлаб, бошланғич лейтенант ҳарбий унвони билан қайтиб келган йигитларимиз билан ҳам суҳбатлашдик. 2017 йили юксак ишонч билан кузатиб қўйилган 14 нафар курсан-

тимизнинг 4 нафари қизил диплом, 3 нафари олтин медаль билан ҳарбий таълимни якунлаб, ёруғ юз ила Ватанга қайтишди.

Лейтенант Аббосбек Мелиев Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти (ўша пайтдаги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти)га ўқишга киради. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, Россия Федерацияси Челябинск шаҳридаги олий ҳарбий авиация билим юртининг ҳаво ҳаракатларини бошқариш ва ҳаво кемаларини эксплуатация қилиш йўналишига ўқишга юборилади. У таҳсил олган билим юртининг жорий йилги 190 нафар битирувчи курсанти ичидан атиги 2 нафари олтин медаль олишга сазовор бўлади. Уларнинг бири лейтенант Мелиев эканлиги эса ҳар биримизга ғурур бағишлайди.

– Таълим жараёни анча қизгин кечди, – дейди Аббосбек Мелиев. – Ўқувлар амалиёт билан узвий тарзда олиб борилди. Давлатимиз, қолаверса, Мудофаа вазирлиги бизга мана шундай имкониятлар яратиб берганидан миннатдоримиз. Энди барча олган билимларимизни шу Ватан, шу юрт сарҳадларини ҳимоя қилишга сафарбар этамиз. Бу бизнинг ҳам фарз, ҳам қарзимиздир.

Ҳа, ҳарбий магистр ва бу ёш лейтенантлар замонавий билимлар, бой тажриба ҳамда янгича қарашлар билан юртимизга қайтиб келди. Улар, шубҳасиз, Қуролли Кучларимизга янги қон бўлиб қўшилади.

Лейтенант Ислонжон ҚўЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»



Mardi maydonlar

КАСБИЙ МАҲОРАТ ОШИРИЛАМОҚДА

Она Ватан тинчлиги ва осойишталигини асраш – эр йигит учун шараф, муқаддас бурч. Бинобарин, Қуроли Кучлар сафларида ана шундай мард ва жасур ўғлонлар ўз йигитлик бурчини сидқидилдан адо этмоқда.

Мудофаа вазирлиги қўшинларида жанговар тайёргарлик машғулотида Ватан ҳимоячиларининг кундалик фаолияти ҳисобланади, янги билимларни ўзлаштириш юрт посбонларининг асосий мақсадларидан биридир. Андижон гарнизонидаги ҳарбий қисмларнинг бирида ўтказилган ўқув жанговар машғулотида ҳарбий хизматчиларнинг амалий билим ва кўникмалари мустаҳкамланди.

Бу жасур ўғлонларнинг ҳамкорликдаги ҳаракат ва имконият даражасини жипслаштиради, уларга жанговар руҳ беради. Сўнг зирҳли техникалар колоннаси дала-ўқув майдони томон йўл олди. Тоғ ён бағирларида ҳаракатланиш ҳарбийлардан катта куч талаб этади. Машғулот иштирокчилари тоғ тизмаларидаги ҳар бир ўсимлик, ҳар қандай қоя тошларини эътибордан қочирмайди.

Машғулот режасидан нафақат жамоавий ҳаракатланиш, балки қоядан ярадорларни эвакуация қилиш ҳам ўрин олган. Ҳаракат чоғида довюррак ўғлонлар ўзига қулай қояда

истеҳкомларни эгаллаб, белгиланган позицияларни портлатиб, кўрсатилган нишонларни яқсон этди.

Замонавий жанг тактикаси бўлинмаларни такомиллаштирилган ўқув амалиётларида чиниқтириш, профессионалик даражасини юқори кўтаришга ундамоқда. Юрт посбонлари ўқ отар қуроолардан инновацион усуллардан фойдалангани жанговар салоҳиятни оширишда қўл келмоқда. Гуруҳ шахсий таркиби жанг майдонида кичик гуруҳларга бўлиниб, реал жанг шароитларига яқинлаштирилган ҳолда касбий малакаларини оширишди.

Гуруҳ жанговар вазифаларини бажаришда мерганларнинг тўғри ва аниқ ҳаракати асосий роль ўйнайди. Гуруҳнинг шартли жанг майдонидан талафотсиз чиқиб кетишини таъминлаш, турли ўқ отиш истеҳкомларини танлаш ҳамда жуда синчковлик билан ҳаракатланиш учун мерганлар шаҳарчасида барча қулайликлар яратилган. Жумладан, дарахтга жойлашиб ўқ узиш, тебраниб турув-

чи жисмлар ва томлардан ўқ узиш амалиёти мерганлар малакасини ва тажрибасини бойитади.

Бўлинмаларга қўйилган жанговар топшириқларни тўлиқ бажариб, ғалабага эришиш, гуруҳ қурооллардан моҳирона фойдаланишда ҳисоб командирлари гуруҳ командирлари билан бир хил жавобгар эканлиги уларни янада ҳушёр бўлишга ундайди. Зирҳли техникалари ёпиқ истеҳкомларни яқсон қилиш учун барча гуруҳ қуроли ҳисобларидан юксак интеллектуал маҳорат талаб қилинади.

«Андижон» дала-ўқув майдонида гуруҳ қуроолларидан амалий ўқ отиш машғулотида турли усуллардан фойдаланилди. Ташландиқ бинолар ер ости йўлаклар тунелларга жойлашиб олган шартли душман пистирмаларига қарши жанг олиб бориш гуруҳ шахсий таркибидан юқори жанговар малака талаб этади. Мазкур дала-ўқув майдонида кўриниши қийин бўлган махсус йўлаклардан фойдаланиш гуруҳ мутахассисларидан жипслашиб ҳаракатланишни тақозо этади ҳамда ўз билим ва кўникмаларини оширишда жуда қўл келади. Бунда асосий эътибор тунги кўриш мосламаларидан тўғри фойдаланишга қаратилади. Ватан

посбонлари кўриниши қийин бўлган нишонларни ҳам замонавий мосламалар ёрдамида яқсон қилди. Мухтасар айтганда, машғулот синовларида уларнинг касбий маҳорати юксалди.

Ватанпарварлик руҳи юрагида жо бўлган матонатли юрт посбонлари бор экан, сарҳадларимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлаверади.

**Шарқий ҳарбий округ
матбуот хизмати**



Okruglarda nima gap?

АНГРЕНДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий армиямизга бўлган ҳурмат ва ишончини ошириш, ҳарбийлик касбига қизиқиш уйғотиш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёт тарзи билан яқиндан таништириш мақсадида жойларда тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда. Хусусан, Ангрэн гарнизонидаги ҳарбий қисмда маҳалла ёшлари учун навбатдаги очик эшиклар куни ташкил қилинди.



Тадбир давомида ёшлар ҳарбий қисмда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, ҳарбий хизматчилар билан самимий суҳбатлар қуришди. Айниқса, қурол-аслаҳалар кўргазмаси ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, учрашувда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил

этиш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган бир қатор давра суҳбатлари ўтказилди. Унда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассисларидан атрофлича жавоб олишди.

Тошкент ҳарбий округи матбуот хизмати

Шарқий ҳарбий округ қўшинлари Фарғона гарнизонидаги ҳарбий қисмда муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлар, Қуролли Кучлар фахрийлари ва ҳарбий хизматчилар иштирокида «Уч авлод учрашуви» бўлиб ўтди.



ФАРҒОНАДА «УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ» БЎЛИБ ЎТДИ

Тадбир аввалида Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ва мафқуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник Шухратжон Абдуллаев бугунги кунда ёшларни қўллаб-қувватлаш учун бекиёс имкониятлар яратилаётгани, улардан оқилона фойдаланиб, эртанги кунга ишонч билан ҳаракат қилиш кераклигини алоҳида таъкидлади. Ёшларга бўлган бундай юксак эътибор келгусида Ватанимиз раўнақи йўлида хизмат қиладиган етук кадрлар етишиб чиқишида муҳим аҳамият касб этишига ишонч билдирди.

Учрашувда Шарқий ҳарбий округ фахрийлар кенгаши раиси ўз ҳаёт йўли, ҳарбий хизмат давомида эришган ютуқлари ҳақида гапирар экан, бугун ёшларга зарур имкониятлар яратиш Ватан тараққиётига қўшилган муносиб ҳисса эканини эътироф этди.

Уч авлод вакиллари иштирок этган тадбирда фаол қатнашган ёшлар округ қўмондонлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Фарғона вилоят кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шарқий ҳарбий округ матбуот хизмати



Республикаимиз бўйлаб 28 июндан 7 июлгача барча вилоят, шаҳар ва туманларда «Янги Ўзбекистон – инсон қадри улугланган юрт!» шиори остида кенг қамровли маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар, кино намойишлари, концерт дастурлари, бир сўз билан айтганда, маънавият фестиваллари ўтказилиши режалаштирилган эди.

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ ҲАРБИЙ ҚИСМДА

Мазкур фестиваль доирасида Навоий гарнизонидаги ҳарбий қисмга пойтахтдан бир гуруҳ санъаткорлар ташрифи амалга оширилди.

Гарнизондаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида ўтган учрашувда меҳмонлар Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида амалга оширилаётган улкан ислохотлар, ҳаётимизда бўлаётган ижобий ўзгаришлар инсонлар тафаккурида ҳам шаклланаётганини ва бунинг барчаси халқ манфаатида хизмат қилишини таъкидлашди.

Тадбир давомида элимиз ардоғидаги маданият вакиллари, қизиқчи, актёр ва актрисаларнинг ҳар бир чиқишини ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари гулдурас қарсақлар билан қарши олди.



МАҚСАД ВА МАСЪУЛИЯТ ЮКСАЛДИ

Марказий ҳарбий округнинг Самарқанд гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмдаги муддатли ҳарбий хизматчилар хизмат давомида олган назарий билимларини «Сазаган» дала-ўқув майдонида амалда мустаҳкамлади.

Дастлаб йигитлар танк қуролларини тузатиш, уларга техник хизмат кўрсатиш, ярадорларга биринчи тиббий ёрдам бериш ва эвакуация қилиш, машқлар давомида хавфсизлик қоидаларига риоя этиш борасидаги кўникмаларини оширдилар. Албатта, назария ва амалиёт уйғунлиги соҳани мукамал ўрганишда муҳим ўрин тутди. Шу боис ўқув йили режасига мувофиқ, асосий

эътибор аскарларнинг амалий кўникмаларини оширишга қаратилди.

Йўриқчи сержантлар кўмагида муддатли ҳарбий хизматчилар нафақат жанговар техникаларни турли тўсиқлардан олиб ўтишди, балки турли масофада жойлашган нишонларни кетма-кет мўлжалга олиб, яқсон қилишди. Машғулотлар

давомида муддатли ҳарбий хизматчилар танк экипажининг механик ҳайдовчиси ва мўлжалга олувчи вазифаларини бажариб, эгаллаган назарий билимларини амалда мустаҳкамлади.

Армия сафларига қабул қилинганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, аскарларнинг ўзини тутиши, юриш-туришидаги ўзгариш уларнинг мақсади, вазифасининг нақадар юксалгани ва масъулиятли эканидан дарак беради.

Машғулот якунида «Энг илғор танк взводи», «Энг илғор танк гуруҳи» ҳамда «Энг илғор танк экипажи» аниқланиб, улар Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Марказий ҳарбий округ матбуот хизмати



Yoshlar – hal qiluvchi kuch

QO'MONDON AL-XORAZMIY AVLODLARI BILAN UCHRASHDI

Shimoli-g'arbiy harbiy okrug qo'shinlari qo'mondoni polkovnik Farhodjon Shermatov Xorazm viloyatining Shovot tumanida joylashgan Al-Xorazmiy nomidagi Xalqaro fizika va matematika maktab-internatining iqtidorli o'quvchilari bilan uchrashdi.

“Qo'mondon va yoshlar” uchrashuvida yoshlar milliy armiyamiz, mudofaa salohiyatimiz, harbiy xizmatchilar tomonidan qo'lga kiritilayotgan ulkan yutuq va marralar haqida qo'mondondan batafsil ma'lumot olishdi.

Uchrashuvda yoshlar Mudofaa vazirligi qo'shinlarida o'zaro tajriba almashish va sog'lom raqobat muhitini shakllantirish maqsadida “Men g'olib!” shiori ostida

o'tkazib kelinayotgan musobaqalarning bu yilgi bosqichida harbiy okrug jamoasi vazirlik miqyosida birinchi o'rinni qo'lga kiritgani haqida ham ma'lumotlarga ega bo'lishdi.

Mamlakatimiz yoshlarini harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularning bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazish va munosib rag'batlantirish maqsadida 2021-yildan e'tiboran umumta'lim maktablari o'quvchilari hamda uyushmagan yoshlar o'rtasida “Mudofaa vaziri kubogi” uchun o'tkazilgan “Vatanparvarlar” musobaqasi tez ommalashganini e'tirof etdi.

Samimiy ruhda o'tgan uchrashuv davomida qo'mondon yoshlarni ulkan marralar sari ruhlantirib, har bir insonning orzusi, maqsadi, osmondagi yulduzi bo'lishi kerakligini, unga erishish uchun o'qib-izlanib,

mehnat qilish zarurligini uqtirdi, pand-u nasihatlar berdi. Ulkan maqsadlarga erishishning oddiy sirlari haqida o'rtoqlashdi va yoshlarni qiziqtirgan savollariga javob berdi.

Uchrashuvda faol ishtirok etgan yoshlar va maktab jamoasi harbiy okrug qo'mondonligi tomonidan faxriy yorliq hamda badiiy adabiyotlar to'plami bilan taqdirlandi.



Ochiq eshiklar kuni

«ВАТАНПАРВАР» – МЕНИНГ ТАНЛОВИМ!»

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Амударё тумани ўқув спорт-техника клубида очик эшиклар кuni бўлиб ўтди.

фаолияти, унинг ривожланиш йўналишлари, юртимиз ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ҳамда амалга ошириладиган ислохотлар тўғрисидаги амалий ишларни ёшларга етказиш, уларда спортнинг техник ва амалий турларига ҳамда касб эгаллашга бўлган қизиқишни уйғотиш мақсадида «Ватанпарвар – менинг танловим!» шiori ostida тадбир ўтказилди.

Тадбир давомида болалар, ўсмирлар ва ёшлар ташкилот тизимида мавжуд «Ўқ отиш», «Ёзги биатлон», «Картинг», «Мотоспорт», «Автоспорт», «Ра-

ри агентлиги туман бўлимлари, «Ватанпарвар» ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва унинг тасарруфидаги ўқув муассасалари раҳбарлари, маҳалла фаоллари, туман халқ таълими бўлимига қарашли мактаблар ва касб-ҳунар мактаблари ўқувчилари иштирок этди. Уларга клубнинг ўқув-моддий базаси, синфхоналари ҳамда имкониятлари таништирилиб, клубга аъзо бўлиш бўйича йўл-йўриқлар берилди.

Тадбир давомида мактаб ўқувчилари ўртасида кўпкураш



Таъкидлаш жоизки, «Ватанпарвар» ташкилоти мамлакат аҳолиси, айниқса, ёшларни ҳарбий-вatanparvarlik, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, спортнинг техник ва амалий турларига жалб қилиш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда оммавий техник

касбларга тайёрлаш бўйича муҳим вазифаларни адо этиш билан бир қаторда эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг бўш вақтини mazmunli ўтишини таъминлаб келмоқда.

Амударё тумани ўқув спорт-техника клуби негизида «Ватанпарвар» ташкилоти

кета модель», «Авиамодель», «Парашют» ва бошқа спортнинг техник ва амалий турлари бўйича секция ва тўғарақларнинг фаолияти билан таништирилди.

Учрашувда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўмондонлиги, Амударё тумани ҳокимлиги, Миллий гвардия ва Ёшлар ишла-

спорт мусобақасининг Қорақалпоғистон очик чемпиони ўтказилди. Унда иштирокчилар югуриш ва ўқ отиш бўйича беллашиб, чаққонлиги ва чидамлилигини намоён этишди. Ғолиб ва совриндорлар медаль, диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Huquqiy targ'ibot

REABILITATSIYA

REABILITATSIYA YUZASIDAN HUQUQIY MUNOSABATLAR SUBYEKTLAR DOIRASI QAT'IY BELGILANGANLIGI BILAN BOSHQA HUQUQIY MUNOSABATLARDAN FARQLANADI. YA'NI ULAR MULKIY ZIYONNI UNDIRISH VA BUZILGAN HUQUQLARINI TIKLANISH HUQUQIGA EGA SUBYEKT VA YETKAZILGAN ZARARNI QOPLASH MAJBURIYATIGA EGA BO'LGAN SUBYEKTDAN IBORAT.

Reabilitatsiyada buzilgan huquqlarni tiklash majburiyati bo'lgan subyekt davlat bo'lib, buni o'zining mansabdor shaxslari orqali amalga oshiradi, mulkiy ziyonni qoplash manbasi ham davlat byudjeti hisoblanadi.

Reabilitatsiya institutining asosiy elementlari:

- 1) reabilitatsiyaga bo'lgan huquqlarning vujudga kelish asoslari;
- 2) reabilitatsiya subyektlari;
- 3) reabilitatsiya mazmuni;
- 4) reabilitatsiyaning protsessual tartibi;
- 5) reabilitatsiya oqibatlaridan iborat.

Qonun chiqaruvchi ham O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksining 301-moddasida oqlov hukmi, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi JPKning 83-moddasida nazarda tutilgan holatlar shaxsni reabilitatsiya etishga asos bo'lishini belgilab qo'ygan. Demak, ish qo'zg'atilgan va tergov harakatlari yoki sud muhokamasi o'tkazilgan ish bo'yicha jinoyit hodisa yuz bermagan bo'lsa, qilmishida jinoyat tarkibi bo'lmasa, uning sodir etilgan jinoyatga daxli bo'lmasa reabilitatsiya qilish uchun asos bo'ladi.

Oqlov hukmi odil sudlovni amalga oshirishning qonuniy va zaruriy shakli hamda oqlov hukmisiz odil sudlov bo'lishi mumkin emas. Qanday sudki, u hech kimni oqlamaydi, uning oldida hech kim o'zini oqlay olmaydigan.

Ayblanuvchi uchun oqlov hukmi bu odil sudlovning adolatiga so'na boshlagan ishonchning tasdiqlanishi, shu bilan birga panjara ortida o'tgan kunlar va oylar haqida, tergovchining aybga iqror bo'lishi haqidagi talablari, yashash joyidagi tintuvlar, ish joyidagi sharmandalik va oiladagi qiyinchilik haqida og'ir xotiralardir.

O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining "Sud hukmi to'g'risida"gi qarorining 9-bandiga muvofiq, agar ijtimoiy xavfli qilmish fakti va oqibatining kelib chiqqanligi aniqlangan bo'lib, biroq sud muhokamasida taqdim qilingan va tekshirilgan dalillar bilan uning sudlanuvchi tomonidan sodir etilganligi inkor etilsa yoki o'z tasdig'ini topmasa, sud shaxsning sodir etilgan jinoyatga daxli bo'lmaganligi sababli oqlov hukmi chiqaradi (*JPK 83-modda 3-bandi*).

O'zbekiston Respublikasi JPKning 306-moddasiga ko'ra, oqlov hukmi yoki ishni tugatish haqidagi ajrim (*qaror*) chiqarilgan shaxs reabilitatsiya etilgan shaxs maqomiga ega bo'ladi. Ya'ni qonun mazmuniga ko'ra, o'ziga yetkazilgan mulkiy ziyonni undirib olish huquqini e'tirof etilishining o'zi, shaxsni reabilitatsiya etilgan deb e'tirof etishga asos bo'ladi.

Jinoyat-protsessning quyidagi ishtirokchilari reabilitatsiya etilishga bo'lgan huquqqa ega bo'ladi:

1. Birinchi instansiya, apellatsiya, kassatsiya instansiyasi sudi, shuningdek, yangi ochilgan holatlar yuzasidan ish yuritish natijalariga ko'ra, o'zlariga nisbatan oqlov hukmi chiqarilgan sudlanuvchilar.
2. Ishni sudga qadar yuritish bosqichida O'zbekiston Respublikasi JPKning 83-moddasida belgilangan asoslar bo'yicha jinoyat ishini tugatish haqida qaror chiqarilgan, gumon qilinuvchi, ayblanuvchilar.
3. Davlat ayblovchisining ayblovdan voz kechishi sababli jinoyat ishi tugatilgan sudlanuvchilar.
4. Tibbiy yo'sindagi majburlov chorasi qo'llangan shaxslar (*bu haqda sudning qarori noqonuniyligi sababli bekor qilingan hollarda*).

SUD TOMONIDAN REABILITATSIYA INSTITUTINI QO'LLASHNING PROTSESSUAL OQIBATLARI

Sudning inson huquqlarini himoya qilish kabi ustuvor vazifasi, reabilitatsiyaning



ASOSLARI

shaxsni aybsizligini e'tirof etish va buzilgan huquqlarini tiklash vazifasi bilan umumiyliigi, binobarin reabilitatsiya odil sudlovning asosiy yo'nalishlaridan biri ekanligini alohida ta'kidlash joiz. Ya'ni sudning ixtisoslashuvi, reabilitatsiya masalasi jinoyat ishlari bo'yicha sud yoki fuqarolik ishlari bo'yicha sud tomonidan ko'rib chiqilishidan qat'i nazar, sud o'zining konstitutsiyaviy funksiyasi, ya'ni inson huquqlarini kafolatlash, buzilgan huquqlarni tiklash vazifasini amalga oshiradi.

Reabilitatsiyaning protsessual qismi:

- 1) oqlov hukmi va jinoyat ishini tugatish haqida qaror qabul qilish orqali noqonuniy jinoyit javobgarlikka tortilganligi yoki protsessual majburlov choralarini asossiz qo'llanganligi faktini e'tirof etish;
- 2) reabilitatsiya etilgan shaxsning o'ziga yetkazilgan mulkiy ziyonni undirib olish huquqini e'tirof etish;
- 3) qabul qilingan qaror haqida reabilitatsiya etilgan shaxsni xabardor qilish shikoyat qilish tartibi, shuningdek, mulkiy ziyonni qoplash va boshqa huquqlarini tiklab olish tartibini tushuntirish;
- 4) reabilitatsiya etilgan shaxsning reabilitatsiya etish to'g'risida qaror chiqargan sud, prokuror, tergov yoki surishtiruv organiga ariza bilan murojaat qilishi;
- 5) reabilitatsiya etish to'g'risida qaror chiqargan sud, prokuror, tergov yoki surishtiruv organi tomonidan ariza tushgan kundan boshlab bir oydan kechiktirmasdan ziyon miqdorini aniqlash va zarur hujjatlarni talab qilib olish huquqlarini tiklash uchun qonunda belgilangan choralarini ko'rish;
- 6) ziyonni qoplash uchun pul to'lovlarini amalga oshirish, ma'naviy ziyon oqibatlarini bartaraf qilish va boshqa huquqlarini tiklash to'g'risida qaror qabul qilish;
- 7) surishtiruvchining, tergovchining, prokurorning pul to'lovini amalga oshirish to'g'risidagi qarori ustidan sudga shikoyat qilish bosqichlaridan iborat.

Mazkur bosqichdan so'ng reabilitatsiyaning noprotsessual bosqichi, ya'ni boshqa huquq tarmoqlari, masalan, fuqarolik protsessi bilan tartibga solinadigan qismi boshlanadi.

Ya'ni reabilitatsiya qilingan shaxslarning buzilgan huquqlari turli huquq tarmoqlariga taalluqli ekanligidan kelib chiqib, huquqlarni tiklash masalasini ham huquqning faqat tarmog'i, shu jumladan, jinoyat-protsessual huquqi bilan tartibga solishning imkoni yo'q. Biroq reabilitatsiya jinoyat-protsessual munosabatlardan kelib chiqishi sababli mazkur masalada boshqa huquq tarmoqlari jinoyat-protsessual huquqi normalariga muvofiqlashirilishi kerak, bu huquqni tiklash masalasida kolliziyalarni, pirovardida huquqlari allaqachon buzilgan shaxsning turli organlar orasida sarson bo'lishining oldini oladi. Sababi reabilitatsiya etilgan shaxs uchun ushbu masalani qaysi qonun yoki huquq tarmog'i hal qilinishining ahamiyati yo'q, uning uchun huquqlari tez, samarali va to'liq tiklanishi birlamchi.

O'zbekiston Respublikasi JPKda reabilitatsiya huquqini rad etish asoslari aniq belgilanmagan bo'lsa-da, faqat quyidagi holatlarda rad qilinishi zarur:

- 1) javobgarlikka tortish muddati o'tganligi sababli;
- 2) amnistiya akti yoki afv qo'llanilishi;
- 3) ayblanuvchi, sudlanuvchi vafot etganligi;
- 4) qilmishning jinoyitligini bekor qiladigan qonun qabul qilinishi;
- 5) shaxs ijtimoiy xavfli qilmish sodir etgan paytda jinoyit javobgarlikka tortish mumkin bo'lgan yoshga to'lmaganligi (*aqliy rivojlanishda ortda qolganligi sababli*);
- 6) qilmish yoki shaxs ijtimoiy xavfliligini yo'qotganligi munosabati bilan javobgarlikdan ozod qilinganligi uchun.

Oliy sudning statistik ma'lumotlariga ko'ra, 2017-yildan 2021-yilga qadar jami 4 207 nafar shaxs oqlangan bo'lib, jumladan 2017-yilda 263, 2018-yilda 867, 2019-yilda 859, 2020-yilda 781, 2021-yilda 1 437 nafar shaxsga nisbatan oqlov hukmi chiqarilgan.

Yulduz KINJAYEVA,
Toshkent harbiy sudining
xo'jalik mudirasi

Jarayon

MAMLAKATIMIZDA "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASIGA O'ZGARTISH VA QO'SHIMCHALAR KIRITISH TO'G'RI SIDA"GI O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYAVIY QONUN LOYIHASINING UMUMXALQ MUHOKAMASI QIZG'IN DAVOM ETMOQDA.

UMUMXALQ MUHOKAMASI

Ushbu jarayonda Respublika Harbiy prokuraturasi tomonidan Qurolli Kuchlar tizimidagi harbiy qism va muassasalarda keng qamrovli tadbirlar o'tkazilib, konstitutsiyaviy qonunning mazmun-mohiyati, Konstitutsiyaga kiritilayotgan har bir qo'shimcha va o'zgartishlarni harbiy xizmatchilarga yetkazish bo'yicha davra suhbatlari va uchrashuvlar o'tkazib kelinmoqda.



DAVOM ETMOQDA

Xususan, mazkur yo'nalishdagi navbatdagi tadbir Respublika Harbiy prokuraturasi tomonidan Qurolli Kuchlar akademiyasida kursantlar, professor-o'qituvchilar, harbiy xizmatchilar ishtirokida bo'lib o'tdi.

Tadbirda Respublika Harbiy prokuraturasi va Adliya vazirligi xodimlari, Jamoat xavfsizligi instituti professor-o'qituvchilari Konstitutsiyaga kiritilayotgan o'zgartish va qo'shimchalar yuzasidan umumxalq muhokamasiga qo'yilgan qonun loyihasi normalari mazmun-mohiyatini xalqchil, sodda tilda ishtirokchilarga yetkazishdi hamda bu borada ular bilan o'zaro fikr almashdi.

O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokuraturasi organlari tomonidan mazkur yo'nalishdagi tadbirlar Qurolli Kuchlarning barcha qo'shin turlarida davom ettirilmoqda.

Adliya mayori Shohrux PO'LATOV,
O'zbekiston Respublikasi
Harbiy prokuraturasi bo'lim boshlig'i

Muqaddas burch

“MEN ASKARMAN —

Askarlarning a'lochilar safidan joy egallashi Vatanga bo'lgan muhabbati bilan belgilansa, ajabmas. Chunki yurtiga, xalqiga mehri ziyoda posbon xizmat burchini chin yurakdan o'taydi, o'zini har jabhada ko'rsata oladi. Qahramonlarimiz mana shunday posbonlar sirasidan. “Bo'ladigan bola boshdan ma'lum” deganlaridek, xizmatning ilk davridanoq o'zini ko'rsata olgan bu yigitlarning zimmasiga yuklatilgan vazifaga vijdonan yondashishi, mashg'ulotlar jarayonidagi faolligini boshqa tengdoshlariga o'rnak qilib ko'rsatsak arziydi. Keling, ular haqida quyida batafsil so'z yuritsak.

ORZUNING USHALISHI



Oddiy askar Asilbek Jo'raqulov Qashqadaryo viloyatining G'uzor tumanidan muddatli harbiy xizmatga chaqirilgan. Bolaligidan katta davralarda kurash tushib ulg'aygan o'g'lonning kelbati haqiqiy voha yigitlariga xos. Ha, u shu kungacha sport bilan shug'ullanishni kanda qilmay kelmoqda. Qo'l jangi, futbol, kurash uning eng sevimli mashg'ulotlaridan hisoblanadi. Shu bois, harbiy qismda uyushtiriladigan sport musobaqalarida muntazam ravishda faol ishtirok etadi.

– Yigit kishi uchun o'ziga bo'lgan ishonchning o'rni katta, – deydi oddiy askar Asilbek Jo'raqulov suhbat chog'ida. – Xizmat davomida o'zimga bo'lgan ishonchim ortdi. Bu – eng katta yutug'im. Armiyani bejiz chiniqish, toblanish maktabi deb aytishmas ekan. Xizmatda kechayotgan har bir jarayon bizni katta hayotga tayyorlab borayotganini his qilyapman. Tajribali serjant va ofitserlardan harbiy ilmi sirlarini egallayapmiz. Bilimimizning oshishida ma'naviy-ma'rifiy tayyorgarlik mashg'ulotlarining ham o'rni katta bo'lyapti. Jismonan chiniqishimiz uchun zamonaviy sport maydonchasi bizning ixtiyorimizda. Bizdan faqat xizmatni sifatli ado etib, puxta tayyorlanish talab qilinadi. Albatta, bunday sharoitda har qanday yigit o'zidagi bor imkoniyatlarni yuzaga chiqara oladi.

Guvoh bo'lganingizdek, sog'lom muhitda o'sib-ulg'aygan, tarbiya topgan yigit uchun harbiy xizmat jismoniy va ma'naviy jihatdan yanada yuksalish va shakllanish davri bo'lmoqda. Xalqiga, Vatanga sadoqatli, fidoyi insonlar bo'lib shakllanayotgan mana shunday yigitlarning armiyada olgan bilimlari keyin ham asqatishini, ularning shaxs sifatida kamolga yetishida harbiy xizmat muhim poydevor, tamal toshi vazifasini o'tashini hisobga olsak, islohotlar samarasini yaqqol anglaymiz. Suhbat davomida oddiy askar Jamshid Sultonovga “Kelajakda qaysi kasbni egallamoqchisiz?” deb savol berganimizda u:

– Hayotimni harbiy soha bilan bog'lamoqchiman. Shu bois kelasi yili oliy harbiy ta'lim muassasasiga o'qishga kirishni niyat qilganman. Bilasizmi, har bir er yigit qalbida bolaligidan ajdodlaridan meros vatanparvarlik, mardlik tuyg'usi jo'sh uradi. Men ham bolaligimda askar bo'lib, yurt koriga kamarbasta bo'lishni ko'nglimga tukkan edim. Mana, yillar o'tib, orzum ushaldi. Bugun men ham Vatanimning himoyachisiman! Vatanimning tinchligi va osoyishtaligiga qalqonman. Bundan cheksiz g'ururlanaman. Kelajakda ham Vatanimning tinchligi va osoyishtaligiga qalqon bo'lishni, uning asl o'g'lonlari qatorida ko'z qorachig'idek asrashni istayman.



BO'LAJAK STOMATOLOG



Oddiy askar Rahimjon Bo'riyevni safdoshlari shunday deb chaqirishadi. Chunki u kelajakda stomatolog bo'lishni maqsad qilgan.

Harbiy xizmat har bir yigitning konstitutsiyaviy burchi. Uni yigitlar astoydil ado etishga intiladilar. Bu burchning o'ziga xos mas'uliyati bor. Shu bilan birga sharaflari ham. Oddiy askar Bo'riyev zimmasidagi mas'uliyatni doim his qilib turadi. U juda tirishqoq va mehnatsevar yigit.

Shuning uchun ham muddatli harbiy xizmatni o'tayotganiga unchalik ko'p muddat bo'lmagan bo'lsa-da, o'zini har tomonlama ko'rsata bildi va bu bilan komandirlari, safdoshlari hurmatini qozondi.

– Askarlarning har tomonlama chiniqishida mashg'ulotlarning o'rni beqiyos. Chunki mashg'ulot davomida bilim va ko'nikmalarimiz sinovdan o'tadi. Astoydil qilingan mehnat o'z samarasini beradi. Endilikda jangovar va ma'naviy-ma'rifiy tayyorgarlik mashg'ulotlarida safdoshlarimiz bilan bir-birimizdan qolishmaslikka, doim ilg'or bo'lishga intilyapmiz. Ya'ni biz bir-birimiz bilan musobaqadoshmiz, – deydi u. – Harbiy qismdagi kattagina kutubxona askarlarning eng sevimli maskanlaridan biri. Men ham xizmatdan bo'sh vaqtimni kutubxonada o'tkazaman. Shu yerda oliy ta'lim muassasasiga kirish imtihonlariga tayyorgarlik ko'ryapman. Buning uchun adabiyotlar yetarli. Shuningdek, gazeta va jurnallar orqali yurtimiz ijtimoiy-siyosiy hayotiga oid yangilik va ma'lumotlardan, o'z qiziqishlarimga monand kitoblar orqali esa jahon va o'zbek adabiyoti durdonalaridan bahramand bo'lyapman. Harbiy xizmatni o'tab bo'lganimdan so'ng Toshkent davlat stomatologiya institutiga o'qishga kirmoqchiman. Malakali stomatolog bo'lib yetishib, insonlar dardiga shifo ulashsam, deymen...

VATAN POSBONI”



III darajali serjant Olim BERDIYEV



MARDLIK MAKTABIGA MUNOSIB



Oddiy askar Sher Muhammad Muhammadaliyev Farg'ona viloyati Buvayda tumanidagi To'da qishlog'idan. Og'ir-bosiq, fikrlari teran bu yigit ham suhbatimiz davomida muddatli harbiy xizmatning hayotidagi o'rni beqiyos ekanligini alohida ta'kidladi. "Chunki xizmat sinovlarida toblangan o'g'lon, haqiqiy er yigit maqomiga ega bo'ladi, unda mardlik, shijoat va matonat kabi fazilatlar shakllanadi", deydi u. Ha,

Sher Muhammad ham o'tgan vaqt mobaynida ancha chiniqdi, intellektual salohiyati oshdi. U juda intiluvchan va g'ayratli yigit. Mana shu fazilatlar posbonni a'lochilar safiga qo'shgan ayni haqiqat.

– Vatanni himoya qilish – eng muqaddas vazifa, – deydi oddiy askar Muhammadaliyev. – Armiya saflarida o'tayotgan har bir kun men uchun qadrli. Men shakllanish pillapoyalarini bosib o'tyapman, toblanyapman. Juda ko'p do'stlar orttirdim...

– Bolaligida harbiy bo'lishni orzu qilmagan yigit bo'lmasa kerak, – deydi kelgusidagi rejalar haqida gap ketganda suhbatdoshimiz. – Men ham bolaligimdan shu sohaga mehr qo'yanman. Harbiylarni ko'rsam, ularga havasim kelardi. Bu kasb o'ziga xos murakkabliklarga ham ega. Harbiy xizmat yuragimdagi harbiy kasbga bo'lgan mehrni yanada alangalatsa alangalatdiki, zarracha susaytirgani yo'q. Chunki men hayotimni armiya bilan bog'lashga ahd qilganman. Shu bois muddatli harbiy xizmatni tamomlab, Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislik bilim yurtiga o'qishga kirmoqchiman. Oliy harbiy ta'lim muassasasiga o'qishga kirish oson emasligini bilaman. Shuning uchun bo'sh vaqtlarimda kutubxonada bilimlarimni mustahkamlayapman, jismoniy tayyorgarlik mashg'ulotlarida chiniqapman.

E'tibor bering, mamlakatimizdagi tinchlik va osoyishtalik xalqimizni bunyodkorlikka, barcha sohalarda yangi marralarni egallashga ruhlantirmoqda. Xalqimizning yashash darajasi o'sib, farovonlashib boryapti. Yoshlarga ko'rsatilayotgan g'amxo'rlik, berilayotgan imtiyozdan har birimiz ruhlanamiz. Shunday ekan, bizga yaratilayotgan shart-sharoitlar, ulkan imkoniyatlarga munosib javob berishimiz lozim. Har narsaning qimmatini, qadrini solishtirganda yanada yaqqolroq namoyon bo'ladi. Tezkor axborot oqimi dunyoda ro'y berayotgan notinchliklar xabarini yetkazmoqda. Shunday kezlarda yurtning osudaligi, oilalarimizning tinchligi ko'ngilda shukronalik tuyg'usini uyg'otadi. Shunday lahzalarda jon-diling bilan shu Vatanning tuprog'ini ko'zlarimga to'tiyo qilgim keladi...

QALBDA MAQSAD BO'LSA...



Mardlik, matonat bizga ajdodlardan meros. Shu zaminda tug'ilib o'sgan inson borki, qonida mana shu fazilat jo'sh uradi. Mardlik insonni eng buyuk ishlarga chorlaydi, shu yurt, shu Vatan uchun fidoyilik qilishga undaydi. Quvonarlisi, bugun tinchligimizning qalqoni bo'lgan Vatan himoyachilarimizning bari mard va jasur. Shunday o'g'lonlardan biri oddiy askar Jasurbek Rahmatov bo'ladi. U surxondaryolik. Qiziriq

tumanidagi Shodlik mahallasida tug'ilib voyaga yetgan.

– Bu yerda o'tayotgan har bir kun, biz uchun saboq bo'lyapti, – deydi oddiy askar Jasurbek Rahmatov. – Buning uchun ustoz ofitser va serjantlardan minnatdormiz. Muddatli harbiy xizmatga kelishdan oldin, ya'ni o'tgan yili Toshkent iqtisodiyot universitetiga o'qishga hujjat topshirgandim. Afsus, omadim kelmadi. Bilimim kamlik qildi. Shuning uchun muddatli harbiy xizmatga qadar tayyorlov kurslarida tahsil oldim. Hozirda harbiy qismda ham tayyorgarlikni susaytirganim yo'q. Bolaligimdan sport bilan oshnoman. Sport bilan shug'ullanganim muddatli harbiy xizmat mobaynida juda qo'l kelyapti... Bilasizmi, muddatli harbiy xizmat mening ham hayotimda katta burilish yasadi. Harbiy kasbga qiziqishim ortdi. Shu bois kelasi yili Qurolli Kuchlar akademiyasiga o'qishga kirmoqchiman. Bu safar omad kulib boqishiga ishonaman! Kelajakda ofitser bo'lib yurtimiz tinchligi va osoyishtaligini saqlashdek muqaddas vazifani sidqidildan ado etishga, ota-onamning, yaqinlarimning, ustozlarimning ishonchini sharaf bilan oqlasam deyman...

Yoshlikka kuch-g'ayrat, ulkan orzu-umidlar, dadillik xos. Jasurbek bilan suhbat davomida bildikki, uning ham qalbi olam-olam orzularga limmo-lim. Eng muhimi, o'g'londagi qat'iyat, shijoat uni albatta eng yorug' manzillar sari eltishiga ishonchimiz komil.

Yoshlarga oid davlat siyosati – amalda

"KELAJAK

Iyun oyi Xalqaro bolalar kuni bilan boshlanib, Yoshlar kuni bilan tugallanadigan oy. Ertamiz egalariga bag'ishlangan bunday muhim sanalar Mudofaa vazirligi qo'shinlarida har yili ko'tarinki ruhda tashkil etilib, minglab o'g'il-qizlarni qamrab oladi.

Xususan, joriy yilda 11 yo'nalishda tashkil etilgan "Yoshlar oyligi" doirasidagi tadbirlar "Yangi O'zbekiston yoshlari, birlashaylik!" shiori ostida o'tdi.

Mudofaa vazirligi harbiy qism va muassasalaridagi Amir Temur va Jaloliddin Manguberdi nomidagi o'quv sinflarida berilgan ma'lumotlar orqali yoshlar har ikki sarkardaning yurt ozodligi yo'lidagi jasorati, qahramonligi haqida bilib oldilar. "Harbiy qismda bir kunim" shiori ostidagi harbiy-vatanparvarlik tadbiri esa qaysi kasbning boshini tutishga ikkilanib yurgan yoshlar uchun ayni muddao bo'ldi. Yigitlar dala-o'quv maydonlarida ko'rgazmali mashg'ulotlar, harbiy texnikalar namoyishini ko'rib, ko'ngli hayrat-u havasga to'lgani shubhasiz.

"Vatan – muqaddas, uni himoya qilish sharafli burchdir!" shiori ostidagi vatanparvarlik festivallari va karvonlarining dong'i olis mahalla-yu qishloqlargacha yetib bordi. Tadbir ishtirokchilarining qalbida shu Vatan taqdiri, ertangi kuni va ravnaqiga daxldorlik tuyg'usi yanada mustahkamlandi. "Yoshlar oyligi"ning yana bir esda qolarli tadbiri "Qo'mondon va yoshlar" uchrashuvi bo'ldi. Unda qo'mondonlar o'zlarining hayotiy tajribasi hamda muvaffaqiyat sirlari bilan o'rtoqlashib, tadbir ishtirokchilarini qiziqtirgan savollarga javob qaytardi. Qurolli Kuchlar faxriylari bilan o'tkazilgan "Faxriylar ibratini", "Faxriylar bilan faxrlanamiz" mavzusida o'tkazilgan uchrashuvlarda nuroniylar o'zining boy hayotiy tajribalari hamda vatanparvarlikning asl mohiyati to'g'risida fikr-mulohazalarini bildirdilar. Bu kabi jonli muloqotlar yosh harbiy xizmatchilarning ma'naviy dunyosini boyitishda katta ahamiyatga ega.

YOSH VATANPARVARLAR YIG'INI

Profilaktik hisobda turgan, uyushmagan, tarbiyasi og'ir hamda jinoyat va huquqbuzarlikka moyil yoshlarni vatanparvarlik ruhida



BIZNIKI!"

tarbiyalash, ularni sog'lom turmush tarziga qaytarish, bandligiga ko'maklashish maqsadida Qoraqalpog'iston Respublikasi, Andijon, Jizzax, Namangan, Navoiy va Xorazm viloyatlaridagi harbiy qismlarda "Yosh vatanparvarlar yig'ini" tashkil etildi. Unda 800 nafardan ortiq o'g'lon 10 kun muddatda jangovar, sport o'yinlari, ma'naviy-ma'rifiy tayyorgarlik hamda kasbga yo'naltirish bo'yicha mashg'ulotlarga jalb qilindi. Bu yerda harbiy fanlardan tashqari, viloyat bandlik boshqarmasining monomarkaz mutaxassislari tomonidan kasbga yo'naltirish bo'yicha nazariy va amaliy mashg'ulotlar hamda yoshlarni tadbirkorlikka yo'naltirish bo'yicha viloyat savdo-sanoat palatasi, tijorat

banklarining vakillari tomonidan biznes-treninglar o'tkazildi.

"Yoshlar bilan ishlashning mutlaqo yangi tizimini joriy etish bo'yicha amalga oshirilgan ishlar va erishilgan natijalar" mavzusida videokonferensiya tarzida o'tgan IV forum O'zbekiston yoshlar ittifoqining Mudofaa vazirligi harbiy qism va muassasalaridagi boshlang'ich tashkilotlari yetakchilarini bir davraga jamladi. Oylik doirasida "Mudofaa vaziri kubogi" uchun o'quvchi-yoshlar hamda mahalla yoshlari o'rtasida "Vatanparvarlar" harbiy-sport musobaqalari hamda milliy kurash va tosh ko'tarish bellashuvlari qizg'in ruhda o'tdi.

Leytenant Dilshod RO'ZIQULOV,
«Vatanparvar»



MUDOFAA VAZIRLIGI QO'SHINLARIDA "YOSHLAR OYLIGI" DAVOMIDA AMALGA OSHIRILGAN TADBIRLAR

(2022-yil 20-may kundan 30-iyun kungacha qadar)

"YANGI O'ZBEKISTON YOSHLARI, BIRLASHAYLIK!"



Bunyodkorlik

КАТТА ТЕННИС МАЖМУАСИ

Мудофаа вазирлигининг Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисми ташавбуси билан Юнусобод туманида жойлашган 122-умумтаълим мактабида катта теннис мажмуасини фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди.



Фойдаланишга топширилди



Тадбирда қўшинлар қўмондони полковник Журъат Якубов, Ўзбекистон теннис федерацияси раҳбари Ирода Тўлаганова, Алишер

Навоий номидаги давлат академик катта театри солисти Маъсума Балтабаева, мактаб маъмурияти ва ўқувчилар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар юртимизда ёшларга кенг имкониятлар яратиладигани, спорт билан шуғулланиш учун барча зарур шароитлар етарли эканлиги ҳақида гапиришди. Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри солисти Маъсума Балтабаеванинг опера йўналишида куйлаган қўшиқлари тадбирга ўзгача жило бахш этди.

Тадбирнинг асосий қисмида рамзий тасма кесилди. Катта теннис мажмуасига қилинган сайёҳатдан сўнг Ўзбекистон теннис федерацияси раҳбари Ирода Тўлаганова катта теннис бўйича эртамиз эгаларига маҳорат дарсини ўтиб берди.

Майор Фаррухбек СОТИВОЛДИЕВ

Musobaqa

МЕРГАНЛАР БАҲСИ

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти кенгашининг техник ва амалий спорт турлари марказида пневматик қуроллардан ўқ отиш спорт тури бўйича вилоят кубоги мусобақасининг финал босқичи ўтказилди.



Мусобақа ёшларнинг спортнинг техник ва амалий турлари билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, ушбу спорт турини оммалаштириш ва тарғиб қилиш, халқаро мусобақаларда иштирок этиш учун Тошкент вилояти ва Ўзбекистон терма жамоаларини шакллантириш мақсадида ўтказилди.

Мусобақада туман ўқув спорт-техника клублари, Чирчиқ

автомобиль мактаби ҳамда вилоят техник ва амалий спорт турлари марказининг моҳир спортчилари қатнашдилар.

Беллашув қизғин баҳслар остида ўтди. Якуний натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида 1-ўрин Тошкент вилояти техник ва амалий спорт турлари маркази жамоасига насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларга Нурафшон ўқув спорт-техника клуби ва Чирчиқ автомобиль мактаби жамоалари сазовор бўлишди. Шунингдек, мусобақа давомида барча йўналишлар бўйича яқка тартибдаги ғолиб ва совриндор спортчилар аниқланди.

Ғолибларга Ўзбекистон Республикаси мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти кенгаши томонидан диплом, қимматбаҳо совғалар ҳамда Тошкент вилояти техник ва амалий спорт турлари маркази жамоасига вилоят кенгашининг кўчма кубоги топширилди.

Ғ. НИЯЗОВ,
«Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти кенгаши раисининг ўринбосари

Ta'til

ҲАРБИЙЛАР ОИЛАСИ ДАМ ОЛИШ МАСКАНИДА

Мамлакатимизда навқирон авлод саломатлигини асраш, уларнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожланиши учун кенг имконият ва қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Термиз гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган юрт посбонларининг фарзандлари ва уларнинг турмуш ўртоқлари учун «Ёз – ўтмоқда соз!» шиори остида Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудида жойлашган Сангардак шаршарасига экскурсия ташкил этилди.

Сангардак шаршараси ҳудудида дам олиш учун яратилган қулай шароитлар ёзнинг иссиқ кунларида ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг мириқиб дам олишларини таъминлади. Тоза булоқ суви, мусаффо тоғ ҳавоси, серсоя боғларда ҳордиқ чиқараётган болаларнинг саломатлиги мустаҳкамланиб, тўғри ривожланишлари, соғлом ва қувноқ ҳолда вақт ўтказишлари учун замин яратди.

Акбар АҲМЕДОВ
Термиз гарнизони



МАРДЛИК — ИЛМ БИЛАН ҚЎШИЛГАН КУЧ



Мард одам ёки мардлик ҳақида сўз кетганда, бугунги замон кишиси кўз ўнгида билаги қувватга тўла, жисмонан кучли киши гавдаланади. Аммо қадимий ёзма манбаларда мардлик таърифи ўзгача, мард одам тўғрисида гапирилганда жисмоний кучдан ташқари руҳий қувватга, эзгу хулқ-атворга, фақат ва фақат яхшилик қилишга, ор-номус, шарафни ҳимоя этишга асосий урғу берилади. Саховатпешалик, олийҳимматлилик, жасурлик каби фазилатларни ўзида мужассам этган бундай кишилар жавонмардлар, футувватчилар, ахийлар ёхуд фатийлар деб аталган.

Улар аҳён-аҳёнда учрайдиган алоҳида ноёб шахслар эмас эди, улар кўп эдилар, жамоа бўлиб уюшиб, эзгу ниятларини амалга ошираддилар, деб ёзади шарқшунос олим Нажмиддин Комилов. Футувватчилар муайян қоида-табларга риоя этар, маънавий ва жисмоний етукликка интилар, қаердаки бўлмасинлар, нима иш билан шуғулланмасинлар, мардлик ва олижаноблик намунасини кўрсатар, зулм ва ҳақсизликка қарши курашардилар. Улар наздида дунё бойлиги эмас, инсон қадри устун турган. Жавонмардлар олтин-кумушни назар-писанд қилмаганлар, балки уни маънавият тараққиёти учун бир восита деб қараганлар, холос.

Аслида Мовароуннаҳр одамларининг турмуш тарзи, ҳаёти эзгулик устига қурилганлигини X аср тарихчиси Истахрий «Қитаб масалик ал-мамалик» – «Ўлкалар ва йўллар китоби»да шундай ёзади:

«Мовароуннаҳрда одамлар бир хонадон кишилари кабидир. Бир киши бошқасиникига ўз уйига киргандай тўхтади. Мезбон йўловчининг бу ишида ёмонлик кўрмайди. Келган меҳмонни танимаса-да, ундан совға умид қилмай оғирини энгил қилишга бор кучини сарфлайди.

Уларда ҳар бир киши борини ўзи ва уйига келган меҳмондан аямайди. Борсанг, катта қаср ва меҳмон учун хона қураётган жой эгасини топасан. Унинг вақти кечаси келган йўловчига шароит ҳозирлашга кетишини кўрасан. Бир йўловчи тўхтаса, унинг учун бахшлашиб, тортишадилар. Мовароуннаҳрда ҳеч ким на кечаси, на кундузи одамлар бор жойда нарсасини йўқотиб қўйишдан кўрқмайди. Улар бу борада бошқалар давлат тўплашда бахшлашгани ва бойлиги билан мақтанганлари каби ўзаро беллашади».

«Улар катталарига итоат қилувчиларнинг энг яхшиси, ёши улугларига хизматда энг хокисордирлар. Халифалар шу сабабдан Мовароуннаҳрдан эр кишиларини ёнларига чақиртириб оладилар.

Кўрқмаслиги, журъати, шижоати ва жасорати билан бошқа халқлардан ажралиб тургани учун уларнинг қўшини турклардан эди».

Ўнинчи асрдан кейин ҳаракат сифатида пайдо бўла бошлаган футувватчилик ҳақида араб сайёҳи Ибн Батута (XIII аср) «Сафарнома» китобида ёзади:

«Мен дунёни кезиб, бундай одамлар, яъни жавонмардлардан кўра, эзгу ниятли ва эзгу хулқли кишиларни кўрмадим. Шероз ва Исфаҳон аҳолиси гарчи ўзларини жавонмардларга ўхшатсалар-да, аммо улар, яъни Хоразм ва Мовароуннаҳр жавонмардлари ғариб-мусофирларни сийлаш ва меҳмондорликда улардан баланд турадилар. Жавонмардларни Ироқда шотир, Хуросонда сарбадор, Мағрибда (Андалусияда) суқра дейдилар. Уларга тобе жойларда адолат расми шундай ривожланганки, лашкаргоҳларининг хоналарида олтин ва кумуш тангалар ерга сочилиб ётади ва эгаси топилмагунча ҳеч ким бу пулларга тегмайди».

Яна бир араб олими Ибн Ҳавқал Мовароуннаҳр жавонмардлари ҳақида бундай ҳикоя қилади:

«Мовароуннаҳр халқининг жавонмардлиги шу даражадаки, гўё барчаси бир хонадонда яшаётгандай. Бирортаси бошқасининг уйига борса, ўз уйига киргандай бўлади. Жуда меҳмондўст ва кечаси келадиган меҳмондан хижил бўлмайдилар, уни танимасалар ҳам ҳеч бир муқофот кутмай, меҳрибонлик кўрсатадилар».

Туркий халқларнинг фитрати, яъни табиатига хос бўлган бу фазилатлар, афсуски, сўнгги юз йилликларда унинг акси билан ўрин алмашди. Иймон, эътиқод каби қалбни тирилтирувчи ва инсон жисмига куч, руҳига қувват бахш этувчи асл жавҳардан мосуволик оқибатидир бу, балки. Аммо кундалик ҳаётда, турмушнинг беҳисоб ҳодисалари орасида ёнимиздаги одамларда жавонмардлар фазилатлари гоҳида «ярқ» этиб кўзга ташланади. Бундай кишиларнинг иши кўпинча кулги нишонига ай-

ланади, афсуски. Бироқ устозлар айтганидек, инсон умиди билан инсондир. Шу маънода асл ёқут ҳар қандай ҳолатда ҳам ноёб хусусиятини йўқотмаганидек, туркийлар, хусусан миллатимиз вакиллари дунёда ўзининг муносиб ва муқим ўрнини эгаллашга интилмақда. Футувватчилар, яъни инсониятга эзгуликни соғинувчилар янги кўриниш ва шаклларда намоён бўлмақда.

Олимларнинг қайд этишича, жавонмардлар орасидан атоқли лашкарбошилар, халқ қаҳрамонлари етишиб чиққан. Улар қаторида Абу Муслим, Муқанна, Яъқуб ибн Лайс, Мазайра, Маҳмуд Торобий, Нажмиддин Куброларни санаб ўтишади. Ибн Батута сарбадорларни жавонмардлар деб айтади.

Ҳунармандлар, сипоҳийлар, томоша кўрсатувчилар, паҳлавонлар, кизиқчилар ва бошқа турли касб эгалари бўлган жавонмардларнинг тартиб-қоидалари, низомлари, уларнинг фазилатлари ва тутумлари ҳақида атоқли муаррих Алишер Навоийнинг дўсти Ҳусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи султони» номли рисоласида қимматли маълумотлар беради.

Кошифий футувватни тариқатнинг бир бўлаги сифатида қарайди. Бу бежиз эмас, чунки футувват асослари билан тасаввуф ғоялари аксар бир-бирига мувофиқ келади. Футувват ҳам, тасаввуф ҳам инсон ахлоқини поклаш, меҳру шафқат, ҳиммат ва мардлик кўрсатишни тарғиб этади ва бу жиҳатдан илоҳиёт ишқида дунёдан юз ўгирган ва жисмини маънавий камолот йўлига қурбон этган дарвеш билан биродарлик, фидойилик удумига содиқ жавонмарднинг мақсадлари мос эди. Тасаввуфнинг тавба, сабр, қаноат, парҳез, ботиний таҳорат каби талаблари футувватчилар томонидан қабул қилиниб, амалий қоидаларга айлантирилади.

Савол-жавоб тариқасида ёзилган бу китоб ўзлигини излаётган бугунги кун одами, айниқса, ҳарбий киши учун муҳим, қимматли бир асар ҳисобланади.

Ajdodlar merosi

**НАФСИНГНИ ЕНГСАНГ,
ЧИН ПАХЛАВОНСАН**

Кучини намойиш қилувчилар (зўргарлар) ҳақида

Бу тоифа турли хунарлар кўрсатади: биринчиси – мардгирлик (*одам кўта-риш*);

иккинчиси – тош синдириш; учинчиси – суяк синдириш; тўртинчиси – дорбозлик; бешинчиси – тош отиш; олтинчиси – тегирмон тошини кўта-риш;

еттинчиси – фил билан олишиш; ва яна камондан ўқни узоққа отиш, сакраш каби хунарлар ҳам бор.

Ушбу мухтасар рисола имкониятига қараб, ҳар бирдан оз-оз гапириб ўтамиз.

Одам кўтаришнинг маъноси ҳақиқатда нима, деб сўрасалар айтгилки, маъноси кўтарган кишини йиқитмаслик, яъни мардлик обрўйини ерга туширмаслик, паст кетмасликдир.

Тош синдиришнинг маъноси нима, деб сўрасалар, айтгил: бу қаттиқлик ва тошюрақлик сифатларини синдириш ва ушбу сифатларни барҳам этмоқ демак.

Суяк синдиришнинг маъноси нима, деб сўрасалар, жавоб бериб айтгилки, суяк ҳақиқатнинг маъзи ва пардасидир. Бас, суяк синдиришнинг маъноси мардлик билаги билан худпарастлик пардасини кўз олдидан кўтариб, ҳақиқат маъзига кўз тиксин демакдир.

Дор ўйнашнинг маъноси нима, деб сўрасалар, айтгилки, бунинг маъноси биз барчадан ростликни танладик, демак.

Тошотарликнинг маъноси нима, деб сўрасалар, бу – тошбағирлик ва дағалликни ўздан улоқтириш, деб айтгил.

Тегирмон тошини кўтаришнинг маъноси нима, деб сўрасалар, бунинг икки маъноси бор, деб айтгил: тегирмоннинг устки тоши доимо ҳаракатда, бу эса тариқат талабида мутассил жидду жаҳд қилишни ифодалайди. Остки тош қимирламай туради, бу эса чидам ва сабот тимсолидир. Демак, тегирмон тошини кўтарган одам шу сифатларни ўзида мувофиқлаштирувчи кишидир.

Фил кўтаришнинг маъноси нима, деб сўрасалар, жавоб бериб айтгилки, фил улуғворлик белгисидир, фил кўтариш эса дунё ишлари, фалак азимати олдида арзимасдир, деган маънога ишорадир.

Сакрашнинг нима маъноси бор, деб сўрасалар, айтгил: маъноси шуки, нафс уй душманидир, ундан сакраб, қутулиб чиқиш керак, осойишталик, муваффақиятга эришиш нафс билан жанг қилиш орқали қўлга киради. Шунинг эътиқод билан англаб етиш керакки, зўргарлик (*куч-қувватни намойиш этиш*)нинг ҳақиқати нафс душманини поймол этишдир, бўлмаса кўп ҳайвонлар ва паррандаларнинг қуввати одамзодникидан ортиқ. Шунинг учун куч-қувватга учмаслик ва нафс ҳавосидан воз кечиш керак, шунда маъракаларнинг паҳлавони айна вақтда футувват паҳлавони ҳам айланади.

Шайх Саъдий айтганидек:
*Мардлик панжа зўрию
елка қуввати эмас,
агар нафсингни енга билсанг,
чин паҳлавонсан.*

**ҚИЛИЧ ҚЎЛГА НИМА ДЕЙДИ?
Қилич қабзаси ҳақида**

Қилич уруш қуролидир, шу боис унинг ҳиммати баланд. У ўз эгасининг суянчиғи, ҳимоячисидир ва унинг ёрдами билан душманлар даф этилади. Шу боис улуғ инсонларни ҳам қиличга қиёслайдилар. Чунки улуғ инсонлар ҳам ўз мулозим-муридларининг ва ўзларининг ҳимоячиларидирлар ҳамда улар туфайли душманлар устидан ғалаба қозонилади.

Қиличнинг орқаси қайси, деб сўрасалар, марднинг билаги деб жавоб бер, чунки шу билак кучи билан қилич чопилади.

Қиличнинг юзи қайси, деб сўрасалар, душманни даф этишга бўлган шиддат-шижоат, деб айтгил.

Қиличнинг тили нима, дейди, деб сўрасалар, у ҳол юзасидан қабза баён этади, деб айтгил.

Қилични нимага қиёслаганлар, деб сўрасалар, айтгил: ҳар замон

маърака бўстонида очилган райҳон гулига, чунки қилич тутган кишидан мардлик хушбўйлиги эсади.

Қиличнинг боши қайси, деб сўрасалар, қилични мардлик маҳорати билан кўтариб юриш, деб айтгил.

Қиличнинг жавҳари нима, деб сўрасалар, пок ният билан курашиш, деб айтгил.

Қиличнинг банди қайси, деб сўрасалар, қиличнинг банди уни жавонмардлик расми билан кўтариб юриш ва мардлик билан сақлаш деб айтгил.

Қўл қиличга нима дейди, деб сўрасалар, жавоб бериб айтгил, қўл қиличга: «Обрўга эга бўлай десанг, ишлагин», дейди. Агар қилич қўлга, нима дейди, деб сўрасалар, дегилки, қилич қўлга: «Агар мени асрасанг, мен ҳам сени асрайман», дейди.

**ПАХЛАВОНЛАР ҚУРОЛИ
Гурзи қабзаси ҳақида**

Гурзи жанг майдонининг мардлари ва паҳлавонлар қуролидир. Агар гурзи қабзасида нечта адаб бор, деб сўрасалар, бешта деб айтгил: аввал шуки, уни пок қўл билан кўтариш керак. Иккинчидан, гурзини кўтарганда, ўзига ишончи бўлсин. Учунчидан, гурзини авайлаб асрасин, қадрласин. Тўртинчидан, гурзини ўйин учун ишлатмасин. Бешинчидан, гурзига қўл уришдан

олдин пир ва устозларни хотирлаб дуо айтсин...

Агар гурзининг юзи қайси, деб сўрасалар, душманларнинг бошини янчиш, деб айтгил. Агар гурзининг қабзаси қайси, деб сўрасалар, душман устидан ғалаба қозониш ва шодланиш, деб айтгил. Гурзининг дастаси нимага ишора қилади, деб сўрасалар, ростлик билан уни қўлга олиш ва тўғрилиқка ишлатиш, деб айтгил.

Ҳусайн Воиз Кошифий



«ФУТУВВАТНОМАИ СУЛТОНИЙ» ДАН

**СИПОҲИЙЛАРНИНГ ҚАЛЪАСИ
Қалқон қабзаси ҳақида**

Билгилки, қалқон сипоҳийларнинг қалъаси ва жангчиларнинг ҳимоячисидир. Қалқон осиб юриш суннатдир ва қалқон қабзасига қўл урадиган киши суннат йўлига риоя қилиши лозим, токи яхши мукофотга сазовор бўлсин.

Қалқоннинг турлари нечта, деб сўрасалар, тўртта деб айтгил:

- биринчиси – ҳазр (*тўсиш*) қалқони;
- иккинчиси – қадр қалқони;
- учинчиси – сабр қалқони;
- тўртинчиси – ҳилм (*ҳалимлик*) қалқони.

Ҳазр қалқони ипақдан ва ипдан тўқилган қалқондир, ўқ ва қилич ярасидан сақланиш мақсадида уни олиб юрадилар. Аммо қадр қалқони осмон (*қазо қадар*) шаклида турган қалқондир. Сабр қалқони кишини мақсад сари элтувчи қалқондир. Ҳилм қалқони воситасида ғазаб тиғининг захмини даф этиш мумкин. Ҳалим одам ғазаб олови офатидан омондадир.

Агар қалқоннинг ҳақиқати нимада, деб сўрасалар, ҳақ ишда ҳақиқатни ҳимоя қилиш, Ҳақ ҳимоясида бўлиш, деб айтгил.

Қалқон кўтарган киши сахий ва жавонмард бўлсин, агар жанг вақти бўлса, ҳимоя тилагани қилсин ва яна юракли, журъатли бўлсин, қўрқоқлик, сусткашлик қилмасин. Яна шуки, барчадан рози бўлсин ва агар яраланса ёки шикаст топса, тушкунликка берилмасин, касбини тарк этмасин.

ЁЙ ЎҚҚА НИМА ДЕЙДИ?

Уруш камони (ёйи) қабзаси ва унга тааллуқли нарсалар ҳақида

Билгилки, камон отиш шариф илмдандир. У ҳақда баён қилинган қонун-қоидалар кўп. Агар камоннинг ўзи асли қаердан пайдо бўлган, деб сўрасалар, инсон ҳаётидаги заруратдан деб айтгил.

Агар ёй тортиш неча хил, деб сўрасалар, иккита деб айтгил: биринчиси, мўйловсимон тортиш, иккинчиси – сурмакаш (*сурмага ўхшатиб тортиш*).

Ёйнинг устунни нима, деб сўрасалар, чап қўл деб айтгил. Агар ёйнинг асосий қисми нима, деб сўрасалар, зеҳ (*тор*) деб айтгил, чунки торсиз ёй нуқсонлидир.

Агар ёй ўққа нима дейди, деб сўрасалар, «мақсад нишонига етай десанг, тўғри юр», дейди, деб айтгил. Агар ўқ-ёйга нима дейди, деб

сўрасалар, «тўғри одамлар билан бош қўшгин, токи азиз қўллар бошингни силасинлар», дейди, деб айтгил.

Агар «камон» сўзининг ҳарфлари нимага ишора этади, деб сўрасалар, жавоб бериб айтгил:

«К» – карамга ишора, яъни камон ушлаган одам мард ва саховатли бўлиши керак.

«М» – марҳаматга ишорадир, яъни ўз ходимлари, тобеларига раҳм-шафқат кўрсатмоқ.

«О» – эътиқодга ишорадир, камончи пок ниятли ва соф одам бўлиши даркор.

«Н» – насиҳатга ишорадир, яъни ҳамкасблари, шогирдларига панду насиҳат бериш, ўз хунарини ўргатишдан қизганмасин. Бу тўрт сифати бўлмаган одам ёй кўтариб юришга лойиқ эмас.

КУРАШ – АМАЛ БИЛАН ЗИЧ БОҒЛИҚ ИЛМ

Кураш тушувчилар ҳақида

Билгилки, кураш одамлар кўп қизиқадиган ҳамда султонлар, шоҳларга мақбул бўлган хунарлардандир. Бу иш билан шуғулланувчи кишилар ҳар қандай вазиятда тўғрилиқ ва поклик қонуниятини билан яшайдилар.

Агар курашда асл моҳият нима, деб сўрасалар, ушбу хунарнинг илми деб жавоб бергил. Агар куч-қувват қанақа нарсадир, деб сўрасалар, айтгилки, куч-қувватнинг эътибори йўқ, зеро ҳайвонларда куч жуда кўп, аммо уларда илму дониш (*инсоний фазилят*) йўқ, шу учун улар ҳурматга лойиқ эмаслар. Агар илм билан қўшилган куч қанақа наrsa, деб сўрасалар, бу

ғоят эътиборли ва таҳсинга сазовор наrsa, деб айтгил. Зеро, улуғлар дебдурларки: «Билимсиз куч адли йўқ шоҳдир, қуввати йўқ илм эса адолатли, лекин лашкари йўқ шоҳ кабидир». Ва агар билим билан куч ўзаро мувофиқ келса, муваффақиятга эришиш йўли очикдир.

Агар кураш тушиш илми ёки амалми, деб сўрасалар, жавоб бериб айтгилки, кураш амал билан зич боғлиқ илмдир.

**Нажмиддин КОМИЛОВ
таржимаси**

HIKMATGA AYLANGAN TUYG'ULAR

Aforizmlar doimo qisqa va lo'ndaligi bilan kishi e'tiborini o'ziga jalb etgan. Donolarning qalb tug'yonlari aks etgan so'zlar insonni ezgu ishlarga boshlovchi va ilhomlantiruvchi kuchga ega. Shuning uchun bo'lsa kerak, qayerda hikmatli so'z eshitasak, uni xotirada qoldirishga yoki yon daftarchamizga yozib olishga harakat qilamiz.

Sizga taqdim qilayotgan kitobning "Hikmatlar shodasi" deb nomlanishi bejiz emas. Chunki unda jahon donishmandlarining hikmat bog'idan tanlab olingan durlar bir ipga tizilgan.

"Aforizm" so'zi yunon tilidan olingan bo'lib, aniq va ixcham ifodalangan tugal fikrni anglatuvchi hikmatli so'zlar ma'nosini bildiradi. Xalq maqollarida ham hikmatli so'zlar yashirindir. Ammo ular muallifi aniq bo'lgan aforizmlardan farq qiladi. Ya'ni yozma adabiyot namoyandasi maqollardagidek biror narsani isbotlab, asoslamasdan, o'zining asosiy fikrini kutilmagan bir yo'sinda izhor qilish orqali tinglovchining ongiga ta'sir ko'rsatadi. O'z o'rnida aforizm orqali ifodalab aytilgan fikr hikmatga aylanadi.

Aforizmlar dastlab yunon falsafasida kurtak yozganligini tadqiqotchilar isbotlab keladi. Ona Vatanimiz hududida paydo bo'lgan "Avesto" kitobida ilk bor yozma hikmatli so'zlar paydo bo'lgan edi. Chin faylasufi Konfutsiy bitiklari ham aforizmlar sirasiga kiruvchi yozma manbalardan hisoblanadi.

Hikmatli so'zlar shodasida Sharq mumtoz adabiyoti vakillarining salmoqli hissasi bor. Kaykovusning "Qobusnoma", Sa'diy Sheroziyning "Guliston", Alisher Navoiyning "Mahub ul-qulub" axloqiy-talimiy risolalarida hikmatli so'zlarning jozibasi ko'zga yaqqol tashlanadi. Bu asarlar insoniyatning ma'naviy mulkiga aylangan va hozirgacha qadrlanib o'qilishi buning yorqin misolidir. Sharq hikmatlari asarlardan asarlarga, mintaqalardan mintaqalarga muttasil ko'chib yurib, jahon xalqlari ma'naviy durdonasiga aylangan. G. Gyote va F. Nitshe asarlarida Sharq hikmatli falsafasiga ixlos va ehtirom borligi sezilib turadi.

XVII–XX asrlarda Yevropa va Amerika adabiyoti yanada rivojlandi. Shunga ko'ra, kitobda shu davrlarda yashab, ijod qilgan G'arb mamlakatlarining atoqli shaxslari, adib hamda shoirlarining aforizmlaridan namunalar kiritilgan.

Kitobda buyuk shaxslarimiz va ma'rifatparvar arboblarning yozib qoldirgan bitiklarga alohida tartib berilgan. Shuningdek, Arab mamlakatlari, O'rta Osiyo, Eron, Turkiya, Hindiston, Xitoyda turli davrlarda yashab ijod etgan faylasuflar, ilm-fan namoyandalari, shoirlar va boshqa mutafakkirlarning aforizmlari, hikmatli so'zlari keltirilgan.

Kitob qimmatini yanada oshirish maqsadida kitobning "Toma-toma ko'l bo'lur" bo'limida atoqli adiblar, taniqli shaxslarning hikmatli so'zlari ham kiritilgan.

O'rta asrlarda Xorazm zaminida tavallud topgan alloma Abulqosim Mahmud az-Zamaxshariy o'zining "Nozik iboralar" risolasida: "Ahmoq kishi hikmat lazzatini bilmaydi, bamisoli tumov kishi gulning hidini bilmaganidek", deb yozadi. Bir qarashda bu fikr ilk eshitgan kishining aqlini shoshiradi. Alloma aytgan hikmatning lazzati esa o'sha gul hidiga yashiringan. Ezgu tuyg'ular hikmatga aylanadi. Ertasiga kitobxon tumovdan tuzalib, albatta, o'sha gulni yana bir bor hidlab ko'rishga umid bor.



*Vatan tarkini bir nafas aylama,
Yana ranji g'urbat havas aylama.*

*Dushman firibin yema,
Va maddoh hushomadin chin dema.*

Alisher Navoiy

Yurtni obod qilaman degan kishi o'zi obod bo'ladi.

Abdulla Qahhor

Dushmaning bilan inoqlashgan do'stdan qo'rq.

Abu Mansur al-Moturudiy

*Dushmanlaring bilan adolatli kurash,
do'stlaring bilan samimiy bo'l.*

Jangda birov mardlik ko'rsatsa hamma jangchilar mardga aylanadi; agar birov qo'rqoqlik qilsa, hamma qo'rqoq bo'ladi.

"Avesto"dan

*Adovat emas adolat yengadi.
Bir kalima shirin so'z qilichni qinga kiritadi.*

*Davlat ishlarining to'qqiz ulushi kengash,
tadbir va mashvarat, qolgan bir ulushi esa qilich bilan bajo keltirilur.*

Dushmanidan qo'rqma, munofiqdan qo'rq.

Podshoh har ishda hukm chiqarsin, toki hech kim uning hukmiga aralashib, o'zgartira olmasin.

Yuz ming otliq askar qila olmagan ishni bir to'g'ri tadbir bilan amalga oshirish mumkin.

Qo'rqmasang – yov qochar.

Amir Temur

*Mardi maydon shunday odam bo'ladiki,
erta-yu kech dushmanga zarar-u, do'stga foyda keltiradi.*

Beruniy

*Adolatda uldi el osoyishi,
El osoyishi – mulk oroyishi.*

Munis Xorazmiy

Xaloyiqning orasida bir kishining qulog'iga so'z aytish yaxshi emasdur. Agar bu so'z garchand yaxshi so'z bo'lsa ham, tashqarisidan uni yomon so'z deb gumon qiladilar.

*Agar xaloyiqning sevimlisi bo'lishni tilasang,
ulardan hech nimani ayamag'in.*

Har kishining bilimi bo'lsa-yu, ammo unga loyiq aqli bo'lmasa, bu bilim unga zarar yetkazgusidir.

"Qobusnoma"dan

Vatan mening jon-u tanim, sajdagohimdir.

Diyonat va nomus bir oilaning saodati va intizomi uchungina emas, balki bir mamlakatning saodati va barqarorligi uchun ham zarur va lozimdir.

Bu dunyo kurash maydonidir. Bu maydonning quroli sog'lom jism-u tan, o'tkir aql va yaxshi axloqdir.

Fitrat

"Hikmatlar shodasi" kitobidan joy olgan aforizmlar aziz kitobxonlarimizning ma'naviy olamiga ijobiy ta'sir ko'rsatuvchi ibratnomadir. U insonni hayot falsafasini tushunishga, o'tayotgan umrning, vaqtning qadriga yetishga o'rgatadi, mulohazaga chorlaydi.

Muattar MELIYEVA tayyorladi.



O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti 1991-yil 23-noyabrda bo'lib o'tgan Armiya, aviatsiya va flotga ko'maklashuvchi ko'ngilli jamiyat – DOSAAFning VIII qurultoyi qarori bilan O'zbekiston DOSAAFI varisi sifatida tashkil etilgan.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOAASIGA KO'MAKLASHUVCHI "VATANPARVAR" TASHKILOTI

TASHKILOTNING MAQSAD VA VAZIFALARI

"Vatanparvar" tashkilotining asosiy maqsadi O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining mudofaa qobiliyatini mustahkamlashga ko'maklashish, fuqarolar, ayniqsa, yoshlarni mehnatga va Vatanni himoya qilishga tayyorlash, tegishli davlat va jamoat tashkilotlariga yoshlarni barkamol shaxs bo'lib voyaga yetkazish, harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularni kasbga o'qitish hamda sportga bo'lgan qiziqishini qo'llab-quvvatlash ishlarida ko'maklashishdan iborat.

Tashkilot bu ishlarni amalga oshirishda Respublika Qurolli Kuchlari tarkibidagi vazirliklar va idoralar hamda davlat boshqaruvi organlari va jamoat tashkilotlari bilan hamkorlik qiladi.

"Vatanparvar" tashkiloti nodavlat notijorat tashkiloti hisoblanadi, foyda olishni o'zining asosiy maqsadi qilib qo'ymaydi va olingan foydani a'zolari o'rtasida taqsimlamaydi.

AHOLI, AYNIQSA, YOSHLARNI HARBIY-VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASH

Vazifalar:

-yoshlar va fuqarolarni ma'naviy-axloqiy va harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash;

-chaqiruvga bo'lgan yoshlarni harbiy xizmatga tayyorlashda davlat hokimiyati organlariga ko'maklashish;

-yoshlar va fuqarolar ongiga mehnatga mas'uliyatli munosabat, harbiy xizmatga hurmat tuyg'ularini singdirish.

Erishilayotgan yutuqlar:



har yili yoshlar o'rtasida "Shunqorlar" harbiy-sport o'yinlari;



"Vatanparvar" – mening tanlovim!" shiori ostida "Ochiq eshiklar kuni", "Uch avlod uchrashuvi", "Biz – vatanparvarlarmiz" kabi keng qamrovli ommaviy harbiy-vatanparvarlik tadbirlari;



bolalar va o'smirlar o'rtasida yo'l harakati qoidalarini targ'ib qilishga qaratilgan "To'g'ri harakatlan!" mavzusida ommaviy tadbirlar;



"Vatanparvar" tashkiloti o'quv muassasalarida kasbga o'qitilayotgan "Temir daftar", "Ayollar daftari", "Yoshlar daftari"ga kiritilgan fuqarolar bilan hozirgi dolzarb ijtimoiy-iqtisodiy masalalar yuzasidan seminar-treninglar o'tkazib kelinmoqda.

"VATANPARVAR" TASHKILOTIGA A'ZO BO'LISH ISTAGIDAGI FUQAROLAR VA YOSHLAR TASHKILOTNING RESPUBLIKADAGI TUMAN VA SHAHAR BO'LINMALARIGA MUHOJAT ETISHLARI MUMKIN.

YOSHLAR ORASIDA SPORTNING TEXNIK VA AMALIY TURLARINI RIVOJLANTIRISH

Vazifalar:

• sportning texnik va amaliy turlarini rivojlantirish va ommalashtirish;

• fuqarolar, ayniqsa yoshlarning qiziqishlaridan kelib chiqib, o'z tizimida sportning texnik va amaliy turlari bo'yicha to'garak va seksiyalar tashkil etish;

• bolalar, o'smirlar va chaqiruvga bo'lgan yoshlar o'rtasida ommaviy sport ishlarini tashkil etish va o'tkazish;

• manfaatdor sport federatsiyalari bilan hamkorlikda sportning texnik va amaliy turlarini rivojlantirish.



Erishilayotgan yutuqlar:

tashkilot tomonidan respublika aholisi o'rtasida pnevmatik quroldan o'q otish, triatlon, duatlon, yozgi biatlon, parashyut, xizmatchi itlar kabi amaliy sport turlari hamda avtokross, motokross, karting, radiosport, aviamodel, raketamodel, kemamodel singari texnik sport turlari keng ommalashtirilmoqda;



"Vatanparvar" tashkilotining tuman va shaharlardagi bo'linmalarida 491 ta sport to'garak va seksiyasi faoliyat ko'rsatib kelmoqda;



hozirda 7 000 dan ortiq professional sportchi qamrab olingan bo'lib, ularning aksariyati respublika, MDH, Osiyo va jahon chempionatlarida yuqori o'rinlarni qo'lga kiritgan;



O'zbekiston biatlon federatsiyasi, O'zbekiston triatlon federatsiyasi, O'zbekiston milliy avtomobil klubi, Toshkent avtomobil federatsiyasi va bir qator sport federatsiyalari bilan hamkorlik o'rnatilgan.

"O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 12-dekabrda 4061-sonli qaroriga muvofiq, avtomobil va mototsikl sporti, sportning aviamodel va raketamodel turlari hamda Olimpiya o'yinlari dasturiga kiritilgan sportning texnik va amaliy turlari bo'yicha respublika musobaqalarida birinchi, xalqaro musobaqalarda 1-, 2-, 3-o'rinlarni egallagan akademik litseylar, kasb-hunar kollejlari va umumta'lim maktablarining bitiruvchilariga tegishli oliy ta'lim muassasalariga ta'limning ushbu sohadagi yo'nalishlariga umumiy qabul kvotalari doirasida test sinovlarisiz va qo'shimcha imtihonlarisiz qabul qilinadi.

"Vatanparvar" tashkiloti a'zosi tashkilotning quyidagi imkoniyatlari va imtiyozlaridan foydalanishga haqlidir:

– mudofaa sohasidagi boshlang'ich bilimlarga o'qitish va harbiy xizmatga tayyorlash bo'yicha davlat hokimiyati organlari bilan hamkorlikda tashkil etiladigan mashg'ulotlarda tayyorgarlikni o'tash;

– sportning texnik va amaliy turlari bo'yicha faoliyat yuritayotgan sport seksiya va to'garaklarining a'zosi bo'lish hamda bepul asosda shug'ullanish;

– sport sohasida muvaffaqiyat qozongan taqdirda, respublika, MDH, Osiyo va jahon chempionatlari musobaqalarida tashkilot mablag'lari hisobidan ishtirok etish;

– viloyat miqyosida o'tkazilgan sport musobaqasida g'olib bo'lganda, tashkilot tizimidagi ommaviy texnik kasb mutaxassislarini tayyorlash o'quv kurslarida 30% chegirma asosida, respublika musobaqasida g'oliblikni qo'lga kiritganda, 50% chegirma asosida o'qish.

OMMAVIY TEXNIK KASB MUTAXASSISLARINI TAYYORLASH

Vazifalar:

• avtomototransport vositalari haydovchilarini tayyorlash;

• avtomototransport vositalari haydovchilarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish;

• fuqarolar, ayniqsa yoshlarni mehnat bozorida talab yuqori bo'lgan ommaviy texnik kasblarga tayyorlash.



Erishilayotgan yutuqlar:

bir yilda o'rtacha 150 mingdan ortiq "A", "B", "BC", "BE", "C", "CE", "D", "DE", "E" toifalarida avtomototransport haydovchisi tayyorlanmoqda;



bir yilda o'rtacha 7 mingdan ortiq avtomototransport haydovchisining malakasi oshirilmoqda;



fuqarolar, jumladan, "Temir daftar", "Ayollar daftari", "Yoshlar daftari"ga kiritilgan oilalarning farzandlari vulkanizatorchi, elektrik-akkumulyatorchi, gaz-elektr payvandchi, avtochilangar, avtoelektrik kabi mutaxassisliklarga tayyorlanmoqda;



shu bilan birga, ular yuk ortuvchi transport, avtogidropodyomnik, yuk mashinasi krani, g'ildirakli traktor, bitta kovshli ekskavator texnikalarini boshqarish bo'yicha mutaxassisliklarga tayyorlanmoqda;



tashkilot tizimidagi ommaviy texnik kasblarga tayyorlash muassasalarida "Temir daftar", "Ayollar daftari" va "Yoshlar daftari"ga kiritilgan oilalarning farzandlari imtiyoz asosida o'qitiladi, ya'ni o'qish xarajatlarining 75 foizgacha qismi mahalliy hokimliklar huzuridagi vasiylik kengashlarining Yoshlarni qo'llab-quvvatlash jamg'armasi mablag'lari hisobidan qoplanadi, o'qish xarajatlarining 10 foizini "Vatanparvar" tashkiloti o'z hisobidan to'lashni zimmasiga oladi;

75%
10%



tashkilot bazasida O'zbekiston Qurolli Kuchlari safida muddatli harbiy xizmatni o'tayotgan yoshlar haydovchilik va texnik kasblarga tayyorlanmoqda;



"Vatanparvar" tashkiloti tizimidagi barcha o'quv muassasalari zamonaviy innovatsion texnologiyalar bilan jihozlangan. O'qish an'anaviy hamda onlayn rejimda amalga oshiriladi.

XALQARO HAMKOR TASHKILOTLAR



HAMKOR TASHKILOTLAR



+998 (71) 235-52-63 vatanparvar.uz

Toshkent shahri Yunusobod tumani, Osiyo ko'chasi, 86-A uy.



VATANPARVARLIK – OLIY MAQSADIM!

*"Vatanparvar" tashkiloti a'zosi bir yilda bir marotaba BHMning 10% miqdoridagi badal to'lovini to'laydi.

Keling, kitob o'qiymiz!

“MING QUYOSH SHU'LASI”

**“Bu kitob Inson haqida!
Insonki, qadri toptalgan,
huquqlari poymol etilgan,
ko'ngli tinchlikdan
boshqasini tilamaydigan,
notinch yurt butun umrini
yeb bitirganlar haqida...”**

Bu so'zlar adib Xolid Husayniyning mohir tarjimon Rustam Jabborov tomonidan chevirilgan “Ming quyosh shu'lasi” kitobi muqovasida yozilgan. Asli hamma kitoblar ham inson haqida emasmi?!

Afg'oniston bilan o'rtamizda birgina daryo bor. Hov desang, narigi qirg'oqqa ovozing ham yetar, ehtimol. Ammo ikki qirg'oq bir-biridan keskin farq qiladigan ikki dunyodir. Qachonlardir tinch bir diyordir...

“Ming quyosh shu'lasi”ning muallifini o'qiboq kitobni varaqlab ham ko'rmasdan sotib oldim. Rostini aytsam, avvalroq tarjimondan bu kitob haqida bilgan edim. Qiziq-da, qahramonlari menga tengdosh ayollar, to'g'rirog'i, mening yoshlik yillarimning tengdoshi. Go'zal orzular, universitetda o'qish quvonchlari, sevgi-muhabbat, yurtidagi buyuk o'zgarishlar, yuksak maqsadlar, umidlar ichidagi men va “Tashqarida o'qlar yomg'irdak yog'ilayotgan paytda ota qizi bilan o'z hujrasida Hofiz va Haliliy g'azallarini tahlil qilishar, kvadrat tenglamalar yechishardi... Yoz kunlarining birida ikki dugonasi bilan maktabdan qaytayotgan Jitining oldiga daydi raketa kelib tushibdi. Laylo keyinchalik Jitining onasi Nila xolaning ko'chada dod solgan chaqirishini parchalanib ketgan tana a'zolarini terib yurganini aytib berishdi...”

Shunday qilib Laylo ismli qiz bor bu kitobda. Yo'q, yo'q, eng avval Maryam ismli qiz haqida aytishim kerak. Maryam... Otasi erkab Maryamjo derdi. U otasini benihoya mehr-la sevardi.

O'qiymiz: “Maryam mehmonlar kelishini yoqtirardi. Qishloq oqsoqoli, g'iybatchi kampir Bibijo, mulla Fathulla... Ammo Maryam hammadan ko'ra, Jalilning kelishini ko'zi to'rt bo'lib kutardi.

Bezovtalik seshanba oqshomidan boshlab uni qamrab olardi. Ishqilib, Jalilning biror muhim ishi chiqib qolmasinda! Aks holda uni yanagi haftaning payshanbasigacha kutishi kerak bo'ladi. Chorshanba kuni Maryam uyga sig'mas, o'tloqlarni qadamlab o'lchar, tovuqlarga parishonlik bilan don sochar, gullarning yaproqlarini yulib, chivinlarni haydar, payshanba kuni esa, hammasini yig'ishtirib, anhor labida o'tirgan chaqirish yo'lga ko'z tikardi. Agar Jalil kechikaversa, uning badaniga titroq kirib, tizzalari majolsizlanib qolar, qayoqlargadir qochib ketgisi kelar, ammo buning uddasidan chiqolmasdi”.

Otasi-chi? Otasi ham uni shunday sevarmidir? Bunday muhabbat javobsiz qolishi mumkin emas. Ammo uni onasi sevardi. “Yelkasiga shayton minib olgan” (tutqanoq kasali) onasi uchun u hayotining mazmuni edi, uning bu dunyoda borligi shu qizaloq tufayli edi.

O'qiymiz: “Oxirida ona qizini insofga chaqira boshladi.

– Agar sen ketib qolsang, men o'laman, eshityapsanmi? Meni yelkamga yana shayton minib oladi. Tilim bo'g'zimga tiqilib, bo'g'ilib o'laman, tushundingmi? Ketma, Maryamjo!

Maryam jim edi.

– Men seni jonimdan ortiq yaxshi ko'raman, qizim. Sensiz menga hayot yo'q”.

Ammo qiz ketdi. Yo'q, butunlay ketgani yo'q edi. Onasini tark etib ketish xayolida ham yo'q edi. Shunchaki otasining yonida bo'lib, Hirotni bir aylanishni orzu qilgan edi.

Qaytganida...

O'qiymiz: “Kutilmaganda, haydovchi chaqqonlik bilan uning yo'lini to'sdi va qizni orqaga itardi:

– Bo'ldi, qayt, ortingga qayt, ketdik bu yerdan!

U kechikkan, Maryam hammasini ko'rib bo'lgandi. Majnuntollar shamolda behol chayqalar, yerda tanish kursi ag'darilib yotardi. Maryam avval tol shoxiga bog'langan arqonni, keyin unga osilib turgan jasadni ko'rdi...”

Bu kitob sizni o'ziga ohanrabo kabi tortib oladi. Avvaliga shunchaki kundoshlik, haromi degan tavqi-la'natni ortmoqlab o'sayotgan qizaloq, otasi tengi bilan nikoh kabi dunyoning o'zidek ko'hna mavzu ekan-da, degan xayolga borasiz. Ammo sahifalardan sahifalarga fojialar ko'lami ham kengayib boraveradi... Beixtiyor kitob nomini o'ylaysiz: “Ming quyosh shu'lasi”. Qani u quyosh, qani u shu'la, qayerda u yorug'lik?!

Maryam, Laylo... Ularni nima bog'laydi?

Aziz o'quvchi, bu kitobni o'qimasa bo'lmaydi-da. Bugun migratsiyalar dunyoni qamrab oldi. Yashash uchun qulay yer izlash, yaxshi yashashga intilish insonga

xos. Qadim zamonlarda ham insonlar yashashga qulay bo'lgani uchun katta daryolar yaqinida yerlashganlar.

Xuddi shu kabi bir necha o'n yillarki notinchlik hukm surayotgan o'lkadan tinch yurtlarga ketish, qochish ham tabiiydir. Ammo... Vatan degan ma'vo ham bor. U seni ko'rinmas rishtalar bilan bog'lab olgan, undan uzilish qiyin. Mayli, olovlar ichida bo'lsa ham, fojialarning oxiri ko'rinmasa-da, dahshatlar seni ham chetlab o'tmayotgan esa-da, Vatanga kerakligingni anglash buyuk insonlikdir!

O'qiymiz: “Garchi u hozir non zavodida ishlasa-da, universitetni tugatgan. Kommunistlar davlat tepasiga kelguncha maktabda dars berardi. Keyin uni maktabdan haydashdi. Hozir otasining yagona istagi qizini o'stirib, o'qitishdan iborat edi.

– Qizim, turmush qurish qochmaydi, ammo vaqtida bilim olish kerak. Shuning uchun sen, albatta, o'qiysan. Urush tugasa, sendek bilim qizlar Vatanga kerak bo'ladi”.

Aziz o'quvchi, saksoninchi yillar yodingizdami? Afg'onistondan onalar qalbini tilka-pora qilib, orzu-havaslarini bir uyum tuproq holiga keltirgan temir tobutlarni eslaysizmi?! Bu fojialarning ko'lami keng edi... Bu o'zbek onasininggina fojiasi emas edi. Daryo ortida ham onalar o'g'illarini kutayotgan edilar.

O'qiymiz: “Xotinlar “gapi”da suhbat ko'pincha kelgusidagi orzu-havaslariga borib taqalardi. Urush tugasa, yigitlar qaytib kelsa, ularni uylantirish kerak. Shu bois, ko'pincha ayollar o'zlariga kelin qidirishga tushardilar: darvoqe, hademay Layloning akalari Ahmad bilan Nur ham qaytib kelishadi. Laylo ularni rosa sog'ingandi.

– Azita qalay?

– Anuv gilamdo'zning qizimi? – onasi aftini burishtirardi. – Vey, u qizning mo'ylovini ko'rganmisiz? Erimnikidan qalinroq!

– Nohida-chi? O'z sinfida birinchi ekan!

– E, tishlari so'yloq-ku! Kechasi ko'rgan odamning yuragi yoriladi! Bo'lmaydi u!

– Vohidning singillariga nima deysiz?

– Anavi kaltabaqay qizlarmi? Yo'q-yo'q. Yo'q. Nima, mening o'g'illarim ko'chada qoptimi? Har yigitlarki, har tola sochi bitta qizga beriqsiz!”

Tanish suhbat, tanish tuyg'ular, shunday emasmi?! Bizning o'g'limiz yagona, bizning o'g'limizgina ko'rkam, bizning o'g'limizga uncha-muncha qizlar munosib emas! Onalar...

Faribaning ana shunday bino qo'ygan ikki o'g'li ham ona bag'riga qaytmadi, halok bo'lishdi.

Bu kitob haqida uzoq gapirish mumkin. Mazmunini aytish fikridan yiroqman. Bu bebaho asarni farzandlaringizga ham tavsiya qilsangiz arziydi. So'zimni asardan keltirilgan parcha bilan muxtasar qilaman:

“Bir yil ilgari Laylo Kobulni tark etish uchun qo'lini kesib tashlashga ham tayyor edi. Endi bolaligi o'tgan qarddon shaharni sog'ina boshladi. Sho'rbozorni, Bobur bog'larini, Tovuqko'chani, yelkasida mesh orqalab yuradigan meshkobchilarni, Karte-Parvonadagi qovun rastalarini tez-tez esga olardi.

...maktablar qurilayotgan emish. Ayollarga ishlash uchun ruxsat berilganmish. Shunday paytda Laylo chetda yursa? Albatta, bu yer ham yaxshi, tinch, osoyishta... Lekin bari bir begona o'lka Vatan bo'lmaydi.

Qachonlardir otasi aytgan edi: “Sen kim bo'lishni istasang bo'la olasan. Ishonaman, qachondir bu bema'ni urushlar tugaydi va sen ana shunda Vatanga kerak bo'lasan!” Gohida onasining bir gapi ham tez-tez qulog'iga chalinadi: “Vatanimiz ozodlikka, tinchlikka erishgan kunni o'z ko'zim bilan, bolalarimning ko'zlari bilan ko'raman”.

Ikki akasi, ota-onasi shahid bo'lgan, vahshiyona portlashlar changi bosilmagan zamin ularni qanday qarshi olarkan? Beixtiyor otasi aytgan satrlar qulog'i ostida jarangladi:

Cho'lg'onur har tomi behad
mohitob anvorida

Ming quyoshning shu'lasi
porlaydi har devorida.

Ko'zlari yoshlandi.

Kobul uni kutaypti.

U Kobulga kerak”.

Huzurli mutolaalar
tilagi bilan

Inobat IBROHIMOVA,
«Vatanparvar»



Turmush chorraxasi

Гулу райхонлар барқ уриб турган ихчамгина ҳовли. Томорқадаги шохлари эгилган олма, хурмо, олхўри каби дарахтларнинг мевалари кўзни қувонтиради. Ҳовли саҳнидаги ҳарир пардали айвончадан жой олган нақшинкор сўрида Латифбек ака билан Ширмоной опа нонушта қиялпти.



«МЕНИ КЕЧИРИНГ...»

(воқеий ҳикоя)

– Ўғлимизнинг тўйи жуда чиройли ўтди, хурсандмисан, онаси? Хизматдош дўстлари ҳам маза қилиб кетишди.

– Худога шукур, эсон-омон ўтказиб олдик, об-ҳаво ҳам чиройини очиб турди, – елиб-югуриб хизмат қилиб юрган келинчакка қараб, мамнун жавоб қайтарди Ширмоной опа.

– Тўғри, ён маҳалладаги Саъдулланнинг тўйида ёмғирнинг шаррос қуйганини қара. Майли, нима бўлганда ҳам ёшлар бахтли бўлсин.

– Айтганингиз келсин, дадаси, – опа эрининг гапини тасдиқлаш баробарида келинига буюрди: – Гулчиroy қизим, Авазбекни уйғотинг, кун тикка келса ҳам ётавермасин.

– Хўп бўлади, аяжон, – келинчак қўлини кўксига қўйганча ичкарига шошилди.

– Бекор қилдинг, хотин, дамини олавермайдими, тўйдаги чарчоклари чиқмаган ҳали. Отпус-каси тугаса, хизматига қайтади. Кейин дам олиш қайда дейсан.

– Тўйга тайёргарлик билан бўлиб, мундоқ олдимида гаплашиб

ўтирмади ҳам. Бир ҳафтадан кейин яна бағримиздан узоқларга кетади. Дийдорига тўйиб олай дейман-да. Шу ҳафта ичи «чақиринди», «отакўрди» маросимларини ўтказиб олишимиз керак. Келини бир-икки ойдан кейин олиб кетар ёки ўзимиз олиб бориб кўямиз.

– Нега энди бир-икки ойдан кейин, ўзи билан бирга олиб кетади. Таътилга келишидан аввал оилавий яша-шинг учун ҳарбий шаҳарчадан жой ҳозирлаб кел, деб тайинлаганман.

– Умид билан ўғил уйлантирганман, ҳеч бўлмаса бир ой келиннинг қўлидан чой ичайлик, – Ширмоной опанинг сўз оҳангидан эрининг гапи ёқмагани билиниб турарди. – Кейин ўзим Авазбекнинг ёнига қўйиб келаман.

– Ёшларни бир кун ҳам ажратмаслик керак! – хотинини жеркиб берди Латифбек ака. – Боргинг келса бирга кетиб, рўзгор тутиш, эрга муомала қилиш, қўни-қўшничилик қонун-қоидаларини ўргатиб кел...

Оила бошлиғининг айтгани бўлди, бир ҳафта ўтиб, икки ёш узоқ вилоятдаги ҳарбий шаҳарчага жўнаб кетди. Аммо Ширмо-

ной опа: «Ҳозирги ёшлар ўзи доно, қайнона маслаҳатига зор эмас, кейинчалик хабар олиб келармиз», дея ўғли билан бирга кетишни рад этди...

– Гулчиroy, ҳо-ой Гулчиroy, – очик ойнадан Гулчиroyнинг кўшниси Садафнинг товуши келди. – Чиқинг, ташқарида суҳбатлашиб ўтирамиз.

– Лазизбекни оққатлантириб олай, ҳозир чиқаман, – кўп қаватли уйнинг ҳовлисидаги ўриндикда ўтирган дугонасига қўл силтади Гулчиroy.

– Тезроқ чиқинг, зўр янгилик бор, – қошларини сирли учуриб, унинг кўнглига ўт қалади Садаф.

Гулчиroy ўғилчасини апил-тапил оққатлантирди-да, етаклаб ташқарига шошилди. «Кеча Садаф менга ниманидир айтмоқчи бўлди-ю, тортинди, – йўл-йўлақай хаёлидан ўтказди у. – Балки, шу янгиликни ҳозир айтмоқчидир».

Икки дугона ҳарбий шаҳарчага тўрт йил аввал бир пайтда келишган. Турмуш ўртоқлари ҳам битта ҳарбий қисмда хизмат қилади. Иккала ёш оила ўзаро ахил, синовли пайтларда елкадош. Садаф ҳамма янгиликлардан, тўғрироғи, шов-шувлардан бохабар бўлишга интилган ўт-олов жувон бўлса, Гулчиroy босиқ ва анчайин тортинчқо. Шундай бўлса-да, иккисининг суҳбати бир-бирига тушади.

– Қандай янгилик экан, қизиқтириб қўйдингиз? – Садафга «айта қолинг» деган маънода қаради Гулчиroy.

– Ўтириб гаплашгандан кўра сайр қилиб суҳбатлашайлик, – дугонасининг сабрини синагандек, янгилигини «тарозига солди» Садаф. – Кўрмайсизми, қизчам бир жойда турмайди.

– Кечадан буён менга нимадир демоқчисиз, тўғрими, нима экан ўша янгилик?

– Сизга айтмоқчи бўлган гапим... Дилингишни ранжитиб қўяманми деб... – чайналди Садаф

– Бу нима деганингиз, айта қолинг энди, – шаддод дугонасининг тортиниб гапириши Гулчиroyни сергаклантирди, «янгилик»ка бўлган қизиқиши янада ортди.

– Майли, айтсам айта қолай, фақат аввал битта саволимга жавоб беринг, Аваз аканинг сизга бўлган меҳри, эътибори қандай?

– Жуда яхши! Хўжайиним оилапарвар инсон, менга, ўғилчамизга меҳрибон, ғамхўр. Тинчликми?

– Янгилигимам, Аваз ака сиздан бошқа яна бир аёлга меҳр қўйган.

– Нима?! – Гулчиroy турган жойида қотиб қолди. – Бу нима деганингиз?

– Айтмай десам, эрингиздан ажраб қолишингиз мумкин, дугонажон. Эшитишимча, ҳарбий қисмдаги Лола деган жувон билан муносабатлари бошқача эмиш. Шунга эҳтиёт бўлинг, деб...

– У аёлни танийман, тўғрироғи, Аваз ака ҳарбий қисмда ўтказилган байрам тадбирида таништирган, битта туманданмиз, деганди, – юраги қалтираган қўйи Лоланинг қиёфасини кўз олдига келтирди Гулчиroy.

– Эрини ҳарбий деб эшитганман, қандай қилиб эри бор жувон...

– Тўғри, эри ҳарбий экан, бошқа ҳарбий қисмда хизмат қиларкан, лекин, билишимча, аллақачон ажрашган. Ҳозир икки ёшли ўғилчаси бор, дейишяпти, кимданлиги номаълум, менимча... Фақат сиздан илтимос, бу гапни мендан эшитганингизни эрингиз билмасин. Агар хўжайинининг қулоғига етиб борса... Сизнинг оилангизни асрайман деб оилам нотинч бўлмасин, шу гап шу ерда қолсин. Акамга хушёр бўлинг, деб айтдим-да.

– Хавотир олма, ҳеч ким билмайди, – кўксини қоронғилик қоплаган Гулчиroy ўйчан жавоб қайтарди...

Юрагига ҳадик ва рашк олови кирган жувон шу ондан бошлаб бошқа аёлга айланди. Кечга томон эрининг хизматдан қайтишини бесабр кута бошлади. Аввалгидек интиқлик ва меҳр ила эмас, балки ишончсизлик ва гумонлар ичида, эрига тайёрлаб қўйган бир дунё саволлар исканжасида кута бошлади. Кечки таом тайёрлаётганда ҳам, дастурхон тузаётганда ҳам эрининг ўтган ойларидаги ҳар бир ҳаракатини хаёлан тафтиш қилишга тушди. «Қайси кунлари навбатчиликда қолди... ўзи бир ойда неча марта қолиши керак, шуни аниқлашим шарт. Кейинги вақтларда хизматдан кеч қайтган пайтлари кўп бўлди, назаримда. Чарчадим, деб овқат ҳам емай ўхлаб қолганди. Мен аҳмоқ унга раҳим келиб, бошида термилиб ўтиргандим...»

Гулчиroyнинг аламли ўйларини эшик кўнғироғи бўлди. Лазизбек «дадажон», дея эшик томон югурди. Жувон эрини ҳорғин ва қоғоғи солиқ қарши олди. Хизматдан қайтган Авазбек хотинидаги ўзгаришни дарҳол сезди. Ўғилчасини кўтариб бағрига босар экан, базўр салом бериб, юзини тескари буриб кетган Гулчиroyнинг ортидан ичкарига кирди.

– Яхши ўтирибсизларми, тинчликми? – норози қиёфадаги хотинига синчков термилди йигит. – Бирор жойинг оғрияптими?

– Оғрияпти, юрагим оғрияпти! – «юрагим» сўзига алоҳида урғу берди Гулчиroy.

– Юрагинг? Юрагинг ҳеч безовта қилмасди-ку!

– Лола ҳақида эшитганимдан буён безовта қила бошлади. Ўша аёл билан қачондан буён яқинсиз?

– Лола? Ҳарбий қисмдаги Лола-ми? У билан доим муносабатим яхши бўлган.

– Сендан ҳам ўша аёл менга яқин демоқчимисиз? – эрининг «икрори»дан ранги бўздек оқарди Гулчиroyнинг.

– Балки, иккинчи хотин қилиб уйланиб олгандирсиз?

– Ўйлаб гапиряпсанми, бу гапни қаердан олдинг? Нима, мени рашк қиялсанми, жиннивой? – хотинининг гапини жиддий қабул қилмади Авазбек. – Унинг оиласи, иккита боласи бор. Жамоадаги энг нуфузли аёллардан. Кел, ундан кўра овқатланайлик, қорним оч.

– Эшитдим, суриштирдим, эри билан аллақачонлар ажрашган экан. Болаларини кимдан туққанини билмадим...

– Учир овозингни, кимдир эшитиб қолмасин, ақлингни еб қўйибсан! – аёлини жеркиб ташлади Авазбек.

– Покдомон аёлга тўхмат қилиш... Сени бу қадар калтафаҳм деб ўйламагандим.

– Нима, ҳали ўша Лола ақлли-ю, мен калтафаҳм бўлдимми?!

– Сени танимай қолдим, Гулчиroy, нима бўляпти ўзи? Мени хиёнатда айбляпсанми?

– Шунча пайтдан буён кўзим кўр экан, энди очилди!..

Эр-хотиннинг жанжали Лазизбекнинг чинқириб йиғлаши-ю, Авазбекнинг икки қўли бошини бошқача ташқарига чиқиб кетиши билан якун топди. Бироқ бу Гулчиroyдаги рашк тўфонининг бошланиши эди...

Орадан ҳафтала ўтди, эр-хотин ўртасидаги муносабат издан чиқса чиқдики, яхшиланмади. Бу орада дугонаси Садаф Авазбек билан Лола ўртасидаги миш-мишлари билан ёнаётган оловга керосин сеппиб турди. Ҳамма нарсдан ҳафсаласи сўнган гўзал Гулчиroy ўзлигини унутган, юзлари сўлғин аёлга айланганди. Эрининг «хиёнат»и ва рашк оловидан халос бўла олмаётган жувон кийим-кечакларини йиғиб, оиласини тарк этишга жазм этган бир пайтда, эшик кўнғироғи овоз берди. Истамайгина эшикни очган Гулчиroy остонада қайнонаси Ширмоной опани кўриб, шошиб қолди.

– Аяжон... келишингизни билмагандик...

– Ассалому алайкум, қизим, – Ширмоной опа қўлидаги нарсаларни остонага қўяр экан, довдираб турган келинини аста бағрига босди. – Ҳамма гапдан хабарим бор, ҳаммаси яхши бўлади.

– Аяжон... – Гулчиroy қайнонасининг елкасига бош қўйганча хўнграб йиғлаб юборди...

Орадан икки кун ўтиб, Авазбекнинг дўстларидан бири уларни меҳмонга таклиф этди. Қаерга меҳмонга бораётганларидан беҳабар Гулчиroy уларни қарши олган мезбонларга – Лола, унинг эри ва қайнонасига кўзи тушиб, қотиб қолди... Меҳмондорчиликдан қайтишгач, асоссиз рашки, ўжарлиги сабаб оиласини парокандаликка рўбарў қилган Гулчиroy Авазбекнинг олдида бошини эгганча: «Мен аҳмоқни кечиринг», деди кўзида ёш билан.

Кўп ўтмай дугонаси Садаф оиласи билан ҳарбий шаҳарчадан кўчиб кетди...

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»



Boks

LAZIZBEK

Boks bo'yicha ayollar va erkaklar terma jamoamiz a'zolari Qozog'istonda o'tkazilgan «Yelorda kubogi» musobaqasida qatnashdi. Terma jamoalarimiz safiga Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakillari ham jalb etildi va ularning uch nafari sovrindor bo'ldi.

Qozog'iston poytaxti Nur-Sulton shahrida boks bo'yicha ayollar hamda erkaklar o'rtasida ilk marta «Yelorda kubogi» musobaqasi tashkil etildi. Unga Kuba, Xitoy, Yaponiya, Hindiston, Mo'g'uliston, Qozog'iston, Turkmaniston va Qirg'iziston kabi dunyoning 10 dan ziyod davlatidan kuchli charm qo'lqop ustalari, jumladan yozgi Olimpiada o'yinlari hamda jahon chempionatining g'olib va sovrindorlari jalb etildi. Musobaqaning ayollar o'rtasidagi bahslarida Hindiston vakillari 2 ta tarkibda, Qozog'iston esa 4 ta tarkib bilan qatnashdi. Mazkur nufuzli musobaqada boks bo'yicha O'zbekiston ayollar va erkaklar terma jamoasining 20 nafar a'zosi ishtirok etdi va yakunda ularning 16 nafari, jumladan MVSMning uch nafar vakili sovrindorlar safidan joy oldi.

Murosasiz o'tgan saralash bahslaridan keyin O'zbekiston terma jamoasining 5 nafar erkak va 4 nafar ayol bokschilari

bronza medalga ega chiqqan bo'lsa, 7 nafari finalga yo'l oldi.

O'tgan yili Moskva shahrida o'tkazilgan 58-jahon chempionati (SIZM) va Bolgariya poytaxtida bo'lib o'tgan an'anaviy «Strandja» xalqaro turnirida, ya'ni mutaxassislarining ta'biri bilan izohlaganda, «kichik jahon chempionati»da, bu yil esa Ruminiyaning Tirgu-Muresh shahrida tashkil etilgan «Golden Belt» xalqaro turnirida eng og'ir (+92 kg) vazn toifasida barcha raqiblarini mag'lubiyatga uchratib, oltin medallarga sazovor bo'lgan MVSMning mohir charm qo'lqop ustasi Lazizbek Mullajonov «Yelorda kubogi» musobaqasida ham katta mahorat namoyish etdi va yana g'oliblikka erishdi. U final jangida doimiy raqobatchisi qozog'istonlik Damir Toibayni mag'lub etib, oltin medalga egalik qildi.

Hamyurtimiz Nigina O'ktamova (-54 kg) ham finalda hindistonlik Boro Jamunadan ustun kelib, oltin medallik bo'ldi.

YANA G'OLIB!



Chempionlik uchun ringga ko'tarilgan qolgan 5 nafar bokschimizdan hal qiluvchi so'nggi jangda omad yuz o'girdi, ya'ni Sabina Boboqulova (-50 kg), Feruza Kazakova (-52 kg), Sitara Turdibekova (-57 kg), Asilbek Jalilov (-48 kg) va Saidjamshid Jafarov (-75 kg) finalda raqibiga imkoniyatni boy berib qo'yib, xalqaro turnirning kumush medali bilan kifoyalandi.

MVSMning ikki nafar vakili – Mujibillo Tursunov (-63,5 kg) va Navbahor Hamidova (-66 kg) «Yelorda kubogi» musobaqasida bronza medalga sazovor bo'ldi. Iste'dodli bokschi yigitlarimizdan

Shahzod Muzaffarov (-51 kg), Dilshod Abdumurodov (-57 kg), Adhamjon Muhiddinov (-60 kg), Jahongir Zokirov (+92 kg), qizlardan Farzona Fozilova (-48 kg), Marjona Savriyeva (-48 kg) va Sohiba Ro'zmetova (-75 kg) ham xalqaro turnirning bronza medalini qo'lga kiritishdi.

Shunday qilib, boks bo'yicha O'zbekiston erkaklar va ayollar terma jamoasi ilk bor tashkil etilgan «Yelorda kubogi» musobaqasining 2 ta oltin, 5 ta kumush va 9 ta bronza, jami 16 ta medalga erishdi va umumjamoahisobida Qozog'iston va Kuba terma jamoalaridan keyin kuchli uchlikka yakun yasadi.

Taekvondo

QAYUMOVA

Butunjahon taekvondo federatsiyasining (WT) yillik taqvim rejasidan o'rin olgan yirik musobaqalardan biri – XXV Osiyo chempionati o'tkazilgandan so'ng taekvondochilarning yangilangan reytingi e'lon qilindi. Asosiy negizi Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakillaridan iborat bo'lgan taekvondo bo'yicha terma jamoamiz a'zolari mazkur qit'a birinchiligida muvaffaqiyatli qatnashgani bois jahon reytingidagi mavqei ham yanada mustahkamlandi.

XXV Osiyo chempionatida terma jamoamiz 4 ta oltin, bitta kumush va 2 ta bronza, jami 7 ta medalga sazovor bo'lgan, qo'lga kiritilgan 4 ta oltin medalning 3 tasiga MVSM vakillari erishgandi. Janubiy Koreyada o'tkazilgan mazkur qit'a birinchiligidan so'ng Butunjahon taekvondo federatsiyasi (WT) tomonidan sportchilarning yangilangan reytingi e'lon qilindi. Ahamiyatlisi, Osiyo chempionatida kumush medalga sazovor bo'lgan hamyurtimiz Charos Qayumova (-53 kg) reytingda birinchi pog'onaga ko'tarildi. Ta'kidlash joiz, shu paytga qadar taekvondochi qizlarimizdan hali hech kim reyting jadvalida peshqadam sifatida qayd etilmagandi. Bu ham sportimiz tarixida o'ziga xos muhim bir voqea.

XXV Osiyo chempionatida muvaffaqiyatli ishtirok etgan boshqa vakillarimiz ham reytingdagi o'z o'rinlarini mustahkamlab olishdi. Xususan, qit'a birinchiligida chempionlikka erishgan, endilikda O'zbekiston taekvondosining «yorqin



yulduz»iga aylanib ulgurgan MVSM vakili Ulug'bek Rashitov (-68 kg) yangilangan reyting jadvalida 262.31 ochko bilan 2-pog'onada qayd etilgan. Shuningdek, yurtimizning yana 6 nafar sportchisi kuchli o'nlikdan joy olgan. Jumladan, Osiyo chempionatida mutaxassislar tomonidan musobaqaning «Eng yaxshi sportchisi» deb topilgan MVSM vakili Jasurbek Jaysunov (-74 kg) 10-pog'onani egallab turibdi. MVSMning yana ikki nafar kuchli sportchisi – Niyoz Po'latov (-63 kg) va Nikita Rafalovich (-87 kg) esa 13-pog'onada qayd etilgan.

REYTINGDA PESHQADAM

ERKAKLAR

-63 kg:

1. Xoan Kala (Ispaniya) – 140.74
13. Niyoz Po'latov (O'zbekiston, MVSM) – 64.90

-68 kg:

1. Bredli Sinden (Buyuk Britaniya) – 293.44
2. Ulug'bek Rashitov (O'zbekiston, MVSM) – 262.31

-74 kg:

1. Daniel Kesada (Ispaniya) – 132.58
10. Jasurbek Jaysunov (O'zbekiston, MVSM) – 80.40

-80 kg:

1. Maksim Xramsov (Rossiya) – 304.34
9. Shuhrat Salayev (O'zbekiston) – 141.13

-87 kg:

1. Migel Soares (Braziliya) – 190.64
13. Nikita Rafalovich (O'zbekiston, MVSM) – 61.60

+87 kg:

1. Vladislav Larin (Rossiya) – 259.96
25. Shohrux Rajabov (O'zbekiston) – 56.87

AYOLLAR

-53 kg:

1. Charos Qayumova (O'zbekiston) – 126.84
2. Tatyana Minina (Rossiya) – 116.70

-62 kg:

1. Karolayn Santos (Braziliya) – 202.24
4. Feruza Sadikova (O'zbekiston) – 111.71

+73 kg:

1. Byanka Uolkden (Buyuk Britaniya) – 352.07
7. Svetlana Osipova (O'zbekiston) – 156.07

Kelgusida ushbu kuchli sportchilarning o'rini bosuvchi yosh taekvondochilarning esa Janubiy Koreyaning Chuncheon shahrida bo'lib o'tgan «G-2» xalqaro turnirida muvaffaqiyatli qatnashib qaytishdi. Aka-uka murabbiylar – Xolmurod va Ma'murjon Nozimov boshchiligida turnirga borgan 7 nafar yosh taekvondochimizning 6 nafari sovrindor bo'ldi. Xususan, Gulshanoy Ismoilova (-42 kg), Asadbek Soataliyev (-48 kg), Abdurasul Inomov (-68 kg) va Nursulton Hakimov (-73 kg) o'z vazn toifalarida kechgan barcha bahslarni g'alaba bilan yakunlab, xalqaro turnir g'olibiga aylangan bo'lsa, final bellashuvida raqibiga imkoniyatni boy berib qo'ygan Diyora Imomaliyeva (-49 kg) kumush medal bilan taqdirlandi. Yana bir sportchimiz turnirda kuchli uchlikdan joy oldi, ya'ni Hojiakbar Abdurasulov (-63 kg) o'z vazn toifasi bo'yicha bahslar yakunida bronza medalga egalik qildi.

Rasul JUMAYEV,
«Vatanparvar»



Adabiyot

«ЙЎЛДАМАН,
НУРЛИ ЙЎЛДА»

Ушбу китоб муаллифнинг публицистик жанрдаги иккинчи тўплами бўлиб, аввалгиси 2018 йилда «Бунда булбул китоб ўқийди...» номи билан чоп этилган эди.

Олти бўлимдан иборат асар мавзулар хилма-хиллиги, ифода услуби ранго-ранглиги билан, ўқувчининг фикрлар кўлами ва дунёқараши янада кенгайишига хизмат қилиши билан ғоятда аҳамиятлидир. Биринчи саҳифани varaқлашга тушишингиз билан муаллифнинг заминимизда етишиб чиққан, элимизни хидоят ва маърифатга бошлаган йирик алломалар, мутафаккир ва шоиру адибларга беадок муҳаббати сезилиб туради.

«Ибрат мактаби» бадиасида жаҳонгашта, шоир, олим, педагог, қомусий билимлар соҳиби Исҳоқхон тўра Ибрат, «Юрт ғамхўри керак менга» бадиасида эса ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг бирдай севимли шоири Бердақ, «Ҳамид Олимжон мўъжизаси» мақоласида азим ижодкор Ҳамид Олимжон, «Сени кўйлайман, ҳаёт!»да бетакрор ўзбек халқининг севимли шоираси, таникли жамоат арбоби Зулфияхоним, «Ватан борки, ҳаёт-саодат бор»да Асқад Мухтор, «Саҳро булбули наволари»да Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил тўхталган.

Бундан ташқари, беназир шоирларимиз, халқимизнинг буюк фарзандлари – Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Мухаммад Юсуф, Нормурод Нарзуллаевнинг ботиний қиёфаларини ўзига хос ёндашув ва маҳорат ила очиб беради, барчасининг шеъриятини профессионал тарзда ўрганиб, бадий изохлаб беради.

Иккинчи бўлимда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, шоир, таржимон ва тазкиранавис Мирзо Кенжабекнинг «Қусам ибн Аббос – Шоҳи Зинда», таникли шоир Хайридин Султоновнинг «Одамлардан тинглаб ҳикоя», Зокиржон Машрабовнинг «Бори элга яхшилик қилғил», Сирожидин Саййиднинг «Аламли дунёда аламли гулим», Шайх Назруллоҳхон эшон Ғарибийнинг «Қасидаи Амолий» шарҳи ва тавҳид манзумаси», Ор-

Яқинда «Шаффоф» нашриётида таникли шоир, моҳир публицист ва истеъдодли журналист Ғайрат Мажиднинг «Йўлдаман, нурли йўлда» эсселар, публицистик мақолалар ва шеърлар тўплами нашрдан чиқди.



НУРЛИ ЙЎЛДА»

зикул Эргашнинг «Тўй», «Шоҳсанам», «Қалб гавҳари», Неъмат Аминовнинг «Виждон кўнғироғи», Икром Искандарнинг «Яшил хиргойи» каби қатор китобларни мутолаа қилиш асносида муаллиф олган таассуротлар ва ўз фикр-мулоҳазалари берилади. Бу ўзига хос янгилик бўлиб, китобхонликни, яхши асарларни, илм олиш ва маънавий неъматларнинг инсонга нечоғлик фойдали эканлиги таъкидланади.

Бошқа бўлимда Туркий кенгаш йиғилишида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий номидаги мукофотни таъсис этиш, Хиванинг «Туркий дунёнинг маданият пойтахти» деб эълон қилиниши тўғрисидаги қарорлардан, она тилимизнинг мақомини юксалтириш бўйича қабул қилинган қатор тарихий ҳужжатлардан, ижод аҳлига, адабиёт ва санъатга берилаётган юксак эътибордан тўлқинланиб ёзган мақолалари ўрин олган. Бунга доир бир тўртлигида шундай хитоб қилади:

*Бир қутлуг насиба – бугдой
сўзларим,
Кўксингни кўтаргай тугдай
сўзларим.*

*Она тилин писанд
этмаганларнинг,
Қалбига санчилсин тугдай
сўзларим.*

Ушбу қисмдан сўнгги йилларда ривожланиб бораётган Озарбайжон, Тожикистон, Туркменистон халқлари билан дўстлик ва қардошлик, стратегик шериклик алоқалари тўғрисида, шунингдек, муаллифнинг Афғонистон, Ҳиндистон ва Россия Федерациясига амалга оширган ижодий сафарлари чоғида олган унутилмас таассуротлари ҳақида қизиқарли ва ажойиб мақолалар, дилбар шеърлар ўрин олган.

Уларнинг аксарияти турли йилларда нуфузли нашрларимиз «Янги Ўзбекистон», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Хуррият», «Маҳалла», «XXI аср» газеталарида ва «Ёшлик» журналларида эълон қилинган.

Ғайрат Мажид ижодкор учун энг қийин масала – буюк адиб ва шоирларнинг ижодий изланишлари, илоҳий илҳом лаҳзаларида руҳий олами ичида яшаб, ўз она тилида яратилган умрбоқий ва бебаҳо шеъриятдан чексиз миннатдорлик ва фахрланиш ҳиссини туйди.

Миллат зиёлиларининг ҳаёти ва ижтимоий фаолиятидаги муҳим қирралари, сўзнинг уларга хос оҳанглари, ҳар бир аждодимизнинг халқимиз олдидаги бебаҳо хизматлари ҳақида тўлиб-тошиб билдирган фикрлари, уларга монанд қадим тарихимизнинг унутилмас ва ибратли воқеалари, гўзал

сатрлар ва шеърий парчалар билан бойиб боради ҳамда Ғайрат Мажиднинг ўз ҳаёт йўлидаги ибратли мисоллар билан уйғун ҳолатда қизиқарли шаклда, ҳайрату ҳаяжон ила баён этади.

Бир ўринда у Ҳамид Олимжон ҳақида ёзар экан, шоирнинг қисматида шундай оригинал баҳо беради: «Шоирнинг ҳамроҳи ҳаёл, ҳаёти ҳаёл, қисмати ҳаёл. Ижодкор ҳаёлни чизади. Ҳаёлнинг парвози буюк кашфиётларни яратади. Ҳаёлнинг қанотидан тутиб, уни сўз билан оқ қоғозга абадий муҳрлаган шоирнинг асарлари умрбоқий яшайди».

Шунингдек, бугунги таҳликали даврда Янги Ўзбекистондаги ислохотлар натижалари, ўзгаришлар жараёнлари, мураккаб пандемия пайтида халқимизга нисбатан давлатнинг меҳр-мурувват, хайру саховат чоралари, улкан бунёдкорлик ишлари янги босқичга кўтарилаётгани муаллифнинг қалб призмасидан ўтказилади. Ёзилган фикрларни ўқир экансиз, ўзингизга ўзингиз ички савол қўясиз, янада яхшироқ инсон бўлишга интиласиз, ҳар бир ўтаётган лаҳзага шукрона айтиб, умр дақиқаларидан унумлироқ фойдаланиш зарурлигини, энг аввало, виждон қонунияти олдида ҳисобдорлигингизни англайсиз.

Алалоқибат, асардан туғилажак умумий ғоя шулки, Ғайрат Мажиднинг асл муддаоси – разил иллатларнинг поён топиши, ҳалоллик ва адолатнинг асло мағлуб бўлмаслиги истаги мужассам. Шу билан бирга, унинг публицистик ишлари ўзининг бақувват фалсафаси ва теран ирмоқлари, ўқиган сари сўзнинг нафосати ва таровати жилоланавериши, инсоний позиция ва ёндашувлар табиийлиги, гўзалликнинг ижодкор сеҳрли қаламидан мусаввира наво рағо-ранг тасвирга айланиши, қалбдан қуйилиб келган эҳтиросларнинг баркамол образли ифодаси, руҳий дунё ва моддий олам мутаносиблигига эришиши билан ажралиб туради.

Муаллиф, умуман олганда, буюк ва маърифатпарвар аждодларимиз каби илму фаннинг афзаллигига, миллийликка садоқат, юрт озодлиги ва элнинг фаровонлигига хизмат, миллат қалбини муаззам этмоқ учун ҳисса кўшиш улғу саодат эканига урғу беради.

Халқона, равон тилда ёзилган, бебаҳо манбалар билан тўлдирилган, қалбга нур-зиё бағишловчи баркамол шоирнинг мана шундай ажойиб армуғони нафақат кенг аҳоли қатламлари учун, балки мактаб ва олийгоҳларда таҳсил олаётган йигит-қизларимиз учун ҳам қўшимча адабиёт, китоб жавонини безовчи ажойиб бир ганжинадир, десак, муболаға бўлмайди.

**Лазиз РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси**



ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН



ВАРИАНТ

КХДР армиясининг Қурукликдаги қўшинларига қарашли жанговар техника таркибидан жой олган «Сонгун-915» типдаги асосий жанговар танк (АЖТ) «Чхонма» типдаги танкларнинг янада такомиллаштирилган варианты ҳисобланади. Классик компоновка (тузилиш) бўйича тайёрланган, комбинацияланган зирхли ҳимоя, шунингдек, ички динамик ҳимояга эга бўлган янги танкнинг экипажи уч кишидан иборат, механик-ҳайдовчининг ўрни корпуснинг олд қисми ўртасида жойлашган. Ғарб ҳарбий оммавий ахборот воситалари маълумотига кўра, бу машина Т-72 типдаги Россия танкнинг Руминияда модификацияланган варианты белгиларига эга. «Сонгун-915» танки 125 мм.ли силлиқ стволли тўп, у билан жуфтлаштирилган 7,62 мм.ли пулемётлар, танкка қарши «Булсе-3» типдаги бошқарилувчи ракета ва «Хва Сонг Чонг» типдаги бошқарилувчи зенит ракеталарни ишга тушириш қурилмалари билан таъминланган. Шунингдек, АЖТга қуввати 1 200 от кучига тенг бўлган кўп ёқилғили двигатель ўрнатилган бўлиб, у шоссе бўйлаб максимал юриш тезлигини соатига 70 км.гача етказиш имконини беради. Башня кўйма гумбазсимон, композит тўлдиргичли, устки олд детали эса комбинацияланган тўлдиргичли. «Сонгун-915» тўсиқлар қўйиш аппаратураси, тунги кўриш мосламалари, лазерли масофа ўлчагич ҳамда рақамли ўт очишни бошқариш тизими билан жиҳозланган. Танкнинг жанговар оғирлиги 44 тонна, тўп билан биргаликдаги узунлиги 9,5 метр, эни 3,5 метр, баландлиги 2,4 метр, енгиб ўтиши мумкин бўлган тўсиқлар – эни 2,8 метрли хандак, чуқурлиги 1,8 метргача бўлган зовурлар (сув остида ҳайдаш ускунаси билан – 5 метргача бўлган).

МНОГОФУНКЦИОНАЛЬНЫЙ



МИНОНОСЕЦ

Эскадренный миноносец (ЭМ) с управляемым ракетным оружием «Дефендер» ВМС Великобритании заложен 31 июля 2006 года на верфи корпорации «БАЭ системз», спущен на воду 21 октября 2009-го и передан военному флоту страны 21 марта 2013 года. Корабль предназначен для обеспечения коллективной противовоздушной обороны корабельных группировок, пунктов базирования ВМС и информационного обеспечения компонентов национальной системы противоракетной обороны. Стандартное водоизмещение миноносца 5 893 т, полное – 7 570 т, длина 152,4 м, ширина 21,2 м, осадка 5,4 м, наибольшая скорость хода 31 узлов, дальность плавания 6 500 миль экономической скоростью 18 узлов, автономность 45 суток, экипаж 191 человек, зарезервированы места для размещения дополнительно 41 человека. Главная энергетическая установка включает два газотурбинных двигателя WR-21 фирмы «Роллс-Ройс» общей мощностью 49,7 МВт, два дизель-генератора V12 VASA32 «Вяртиля» (4 МВт), два электродвигателя «Конвертим». Вооружение: зенитно-ракетный комплекс RAAMS (УВП «Сильвер» А-50, 48 ЗУР «Астер-15 и -30»), 114-мм ЗАК Мк «Фаланкс», две 30-мм ЗАУ DS-30А. Радиоэлектронные средства: многофункциональная радиолокационная станция (РЛС) SAMPSON, РЛС дальнего обнаружения воздушных и надводных целей S1850М, навигационная РЛС Туре 1047, подкильная ГАС Туре 2091, оптико-электронный локационный комплекс GSA9. Авиационная группа: два вертолета «Линкс» НМА8 или «Мерлин» НМ1.

ЛЁГКИЙ



ШТУРМОВИК

Итальянский легкий штурмовик М-346FA (*Fighter Attack*) разработан специалистами корпорации «Леонардо» на базе учебно-боевой версии М-346FT. Первый полёт нового самолёта состоялся 13 июля 2020 года. Основные технико-тактические характеристики штурмовика: экипаж два человека, максимальная взлётная масса 10,4 тонны, максимальная скорость полета 1 060 км/ч, практический потолок 13 700 метров, максимальная продолжительность полета 3 часа 50 минут (с тремя подвесными топливными баками), максимальная эксплуатационная перегрузка +8/-3g.

Геометрические размеры штурмовика М-346FA: длина 11,5 м, высота 4,8 м, размах крыла 9,7 м, площадь крыла 23,5 м². Силовая установка – два турбореактивных двигателя F124-GA-200 фирмы «Ханиуэлл» тягой по 2 850 кгс. Самолёт оснащен новой многорежимной бортовой радиолокационной станцией (БРЛС) Grifo-346 и системой радиоэлектронной борьбы. На семи точках подвески могут размещаться следующие вооружение и оборудование общей массой до 2 тонн: разведывательно-прицельная оптоэлектронная станция; управляемые бомбы типа GBU-12/16 «Пэйвуэй-2», «Лизард-2/4», GBU-32/38/49, SDB, Мк 82/83; неуправляемые ракетные снаряды, управляемые ракеты «Ирис-Т», AIM-9L класса «воздух-воздух»; контейнерные пулемёты, автоматические пушки и дополнительные топливные баки.

ЯНГИ ЖАНГОВАР



КОМПЛЕКС

АҚШда «Ай Эм Шорад» (*IM SHORAD – Interim Maneuver Short-Range Air Defense*) деб номланган истиқболли зенит ракета-тўп комплекси (ЗРТК)нинг дала синовлари бўлиб ўтмоқда. Мазкур янги жанговар комплексни яратишда «Женерал дайнэмикс лэнд системз» ва «Леонардо» компаниялари мутахассислари иштирок этмоқда. Янги комплексни яратишда «Страйкер» типдаги зирхли жанговар машина (ғилдираклар формуласи 8 х 8) асос бўлиб хизмат қилган. Унга турли қуроллар, нишонларни излаш воситалари ва замонавий ўт очишни бошқариш тизимига эга бўлган RIwR (*Reconfigurable Integrated-weapons Platform*) типдаги жанговар модуль ўрнатилган. Модулнинг айланма асосига оптик ва лазерли каналлар билан таъминланган МХ-GCS типдаги оптик-электрон ускуналар блоки жойлаштирилган. Шунингдек, «ўзиники-ўзга» тоифасидаги аниқлаштирувчи радиоаппаратура ўрнатилиши ҳам кўзда тутилган. Модулнинг марказий қисмида 30 мм.ли автоматик тўп ва у билан бирлаштирилган 7,62 мм.ли пулемёт билан жиҳозланган M230LF типдаги қурилма ўрнатилган. Ўнг бортда тўртта «Стингер» типдаги зенит ракетага, чап томонда эса иккита «Хеллфайр» типдаги бошқарилувчи ракетага эга бўлган ишга тушириш қурилмалари жойлашган. «Ай Эм Шорад» нишонни мустақил равишда ёки бўлинма таркибидаги ташқи манбадан кўрсатма олган ҳолда излаши мумкин. Нишон тип ва унганча бўлган масофага боғлиқ равишда ствол ёки ракета қуролидан фойдаланиш мумкин. Ҳаво нишонларига зарба беришнинг максимал масофаси об-ҳаво шароитларига боғлиқ ҳолда 6-8 км.ни ташкил этади.

Rishtalar



маганим иккинчи муаммо бўляпти. Уч фарзандни боқолмай қийналяпман. Яхшиям қайнона-қайнотам бор экан, уларнинг ёрдами тегиб турибди. Аммо фақат уларнинг пенсия пулига қараб, болаларнинг ҳамма эҳтиёжларини қондиrolма-япман. Шунга бирор ишга кирсам, озгина рўзғорга ёрдам бўлар, деб келгандим.

– Ҳаммаси яхши бўлади, ўйланаверманг, – Дилором аёлни юпатган бўлди. «Ҳа-а, ҳақиқатан ҳам осон эмас», Дилором аёлга таскин бериш асносида ўзига ҳам юпанч, тасалли бераётганди...

боғчадан олиб қолди. Боласига дори-дармон бериб, уни қўшнига ташлади-да, рўзғорга бозорлик қилиш учун яқиндаги бозорчага югурди. Харид қилиш жараёнида унинг халтаси борган сари тўлиб борар, кўтаришга қийналгани сари эрининг уч-тўрт халтани тўлатиб, яна жилмайганча уй остонасидан ҳатлаши кўз олдида келди...

Кечқурун кайфиятсиз ҳолда овқат сузиб, дастурхон бошига ўтирди.

– Дадам келмаса, дори ҳам ичмайман, овқат ҳам емайман! – кичиги қайсарлик билан овқатдан бош тортди.

ЕТТИ КУН САБОҒИ

«Уф-фф, ҳеч бо-рингга шукр демайди бу эр. Эртадан-кечга-ча уй иши, болалар учун югуриб-еларкансан, бир оғиз ширин гапга маҳтал бўлиб кетасан». Дилоромнинг ҳафсаласи пир бўлиб кетди. Ҳеч ким «Ҳолинг не, сен ҳам ишлаб келдинг, балки, чарчаётгандирсан», демайди. Дилором ишда ҳам кайфиятсиз юрди. Назарида уни ҳамма атайлаб камситаётгандек туюлди. «Ҳамма менинг ишимдан камчилик қидираверади. Ишхонада эркалар билан тенгма-тенг ишласам. Яна уйга келиб, уй ишидан қўлим бўшамаса. Шунинг учун инсофданми? Аёл кишининг жони темирданмас-ку! Наҳот шуни тушуниш-

майди?» у ич-ичидан тошиб келаётган ғалаённи босишга урингани сари хўрлиги келарди...

Иш юритувчи бўлгани учун ҳар хил одамлар билан муомала қилишига тўғри келарди. Мана, бир аёл иш қидириб келибди. У раҳбар олдида кириш учун кутиб ўтираркан, юз-кўзидан қаттиқ ташвишланаётгани, нимадандир сиқилаётгани сезилиб турарди.

– Синглим, ўзи корхонангизда иш борми? Мени ишга олишарми-кан-а? – аёл Дилоромга умидвор бўлиб тикилди.

– Билмасам, опа, раҳбар билан гаплашиб кўринг, мен бир нарса деёлмайман, – деди елка қисиб.

– Хўжайиним оламдан ўтганидан кейин уй-рўзғорнинг ҳаммаси менга қолиб кетди, – деди аёл хо-муш тортиб. – Илгари ҳамма нарсани турмуш ўртоғим олиб келгани учун уйдан кўчага чиқмасдим. Тайёрини еб, борини сарфлаб, ўрганиб қолган эканман. Тўсатдан хўжайинимнинг вафот этиши бир дард бўлса, ҳеч жойда ишлаб кўр-

– Онаси, мен тез сафарга кетишим керак бўлиб қолди, – хўжайинининг шошилиб гапиришидан Дилором кўркиб кетди.

– Тинчликми, нимага?

– Тинчлик, тинчлик, бирор ҳафталада келаман, – эри шошилганча гўшакни қўйди.

Дилором ишдан чиқиб, болаларини боғчадан олди. Кечки овқат маҳали болалар дадасини сўрашганди, «даданг икки-уч кунда келиб қолади», деди.

Биринчи куни одатдагидек ўтди. Аммо кейинги кунлари Дилоромнинг юраги сиқилди. Ўзини ёлғиз ҳис қила бошлади. Уйда нимадир, тўғрироғи, кимдир етишмаётганди. «Майли, бироз койиса ҳам, жаҳл қилса ҳам эшикдан кириб-чиқиб тургани яхши экан. Қизик, аллақачонлар турмуш ўртоғимдан совиб бўлганман, деб ўйлардим. Янглишган эканман-да». Аёл оғир тин олди... Болалар ҳам уч кундан кейиноқ, «дадамни соғиндик», даб хархаша қилишга тушди. Бешинчи куни кенжаси иситмалаб қолди. Дилором уни

– Болам, овқатланмасанг, касалдан тузалмайсан, унақа қилмагин, – Дилором яхши гап билан уни аврашга тушди. Йўқ, барибир, бола айтганидан қолмади. Боласининг гапини эшитиб, кўнгли бузилди, қанча ҳаракат қилмасин, ўзини йиғидан тиёлмади...

Қанча вақт ўтирди билмади. Устма-уст босилган эшик кўнги-роғидан ўзига келди. Аёл шоша-пиша эшик томон ошиқди...

– Мен етиб келдим, ўғлим касал бўлиб қолганини менга қушлар бориб айтишди, – деди хўжайини болаларини маҳкам бағрига босаркан.

– Мана шунақа, биздан қочиб кетсангиз, касал бўлиб қолади-да, – деди Дилором эридан ўп-калангандек бўлиб. Аёл шу дамда бахти тўқис эканлигини англади. Югуриб-елиб уй ишларини қиларкан, болалари даврасида уларга қўшилиб ўйнаётган эрига қараб мамнун жилмайиб қўйди.

Зухра РЎЗИЕВА

Saboq



«ОТАНГА ЎХШАМА, ЎҒЛИМ»

Ота ишдан келди. У беш ёшли ўғлининг берилиб расм чизаётганини кўриб, қизиққанча ёнига борди, энгашиб юзидан ўпди ва сўради: – Ўғлим, ниманинг расмини чизяпсан?

– Сиз, ойим ва ўзимнинг расмини чизяпман.

Дадаси қизиқиб ўғли чизаётган расмга аҳамият берди. Бирдан ҳайрон бўлди. Чунки ўғли ўзининг ва дадасининг кўксига юрак шаклини чизиб, негадир уларни қора ранга бўяганди.

– Ўғлим, юракни қора рангамас, қизил ранга бўяш керак эди. Қора рангни ўчириб ташла-да, қизилга бўя, – деди у ва стол устидаги ўчирғич билан қизил қаламни олиб, болакайга узатди.

– Буни биламан, – деди ўғли.

– Унда нега қора ранга бўядинг?

Болакай дадасига айбдорона тикилди ва шундай жавоб берди:

– Бувимнинг айтишича, бировни хафа қилган, йиғлатган одамнинг юраги қора бўлар экан. Сиз кеча ойимни йиғлатдингиз-ку!

Жажжи ўғлининг сўзларидан кечаги дилхиралик ёдига тушди. Жаҳлга эрк бериб, мана бугун ўғлининг олдида ноқулай аҳволга тушиб қолганидан уялди. У болалар кўп нарсанинг фарқига бормайди, деб ўйларди. Адашган экан. Виж-

дони қийналди. Кечаги жанжал фарзандини ҳам озорлаганидан ўкинди.

– Унда нега ўзининг юрагингни ҳам қора ранга бўядинг? – деди ўғлига синчиклаб тикилиб. – Ёки сен ҳам кимнидир йиғлатдингми?

– Йўқ, мен ҳеч кимни йиғлатмадим. Шунчаки... ўзингиз доим айтасиз-ку, «Сен менга ўхшайсан. Шунинг учун мендай бўлишинг керак», деб. Шунга... – ўғли берилиб расм чизарди.

Эркакни бирдан ток ургандек бўлди. Бўғзига нимадир тикилди. Ўзи билмаган ҳолда дадасига сабоқ берган ўғлини бағрига маҳкам босар экан, бўғзини куйдираётган жумла отилиб чиқди:

– Отанга ўхшама, ўғлим...

Азиз НУР

Mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotlarida



ЭХТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Бундай фидойи инсонлар ташкилот нуфузини оширишга, соҳа ходимларининг жамоатчилик олдидagi обрў-эътибори, ҳурматини янада юксалтиришга ҳаёт

ий тажрибалари, ибрат ва ўғитлари билан муносиб улуш қўшиб келмоқда. Яқинда ана шундай фидойи ходимлардан бири ташкилотнинг Жондор тумани ўқув спорт-техника клуби ўқитувчиси Самих Ҳалимов ҳамкасблари ва шогирдлари иштирокида иззат-икром билан пенсияга кузатилди.

Тадбирда ЎСТК бошлиғи Таваккал Эргашев Самих Ҳалимовнинг меҳнат фаолияти давомида эришган

муваффақиятлари ҳақида тўхталиб, унинг бой ҳаётий тажрибаси ёшларга ибрат бўлишини таъкидлади. Бундай эҳтиром билан пенсияга чиқиш ҳар бир инсонга насиб этишини тилади.

С. Ҳалимовга анъана бўйича дўппи ва чопон кийдирилиб, ташкилотнинг эсдалик совғаси топширилди. Ўз навбатида Самих ака қилган меҳнатидан чексиз фахр ва ғурурда эканлигини таъкидлаб, бундай ҳурмат-эътибор учун ЎСТК раҳбариятига, ҳамкасбларига миннатдорлик билдирди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, айна пайтда клубда ёш авлод маънавиятини юксалтириш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида ҳам яхши натижаларга

эришилмоқда. Мавжуд спорт секцияларидан «Ҳаво милтиғидан ўқотиш», «Мотокросс», «Картинг» ҳамда «Ёзги биатлон» каби секцияларда 60 нафар ёш мунтазам шуғулланиб келмоқда.

– Самих Ҳалимов сингари кўп йиллик бой тажрибага эга мутахассислар фаолияти малакали ҳайдовчилар тайёрлаш тизимига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда, – дейди ЎСТК бошлиғи Таваккал Эргашев. – Бунинг учун ташкилотимизда барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Бугунги кунда ҳам жондорлик фидойи мураббийлар изланишларини давом эттирмоқда. Албатта, уларнинг мақсади ҳар жиҳатдан етук ва баркамол ёшларни тарбиялашдир.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ

Ватан равнақи, эл-юрт фаровонлиги йўлида узок йиллар фидойилик билан хизмат қилганлар ҳамиша эъзозга сазовордир. Бундай инсонлар Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Бухоро вилояти кенгаши тасарруфидаги Жондор тумани ўқув спорт-техника клуби жамоаси орасида ҳам кўплаб топилди.



Malaka

РАҲБАР ОФИЦЕРЛАР БИЛИМИ МУСТАҲКАМЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Мудофаа вазирлиги офицерлар таркиби учун ташкил этилган навбатдаги малака ошириш курси якунланди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Давлат бошқаруви академиясининг ўқув ишлари бўйича биринчи проректори Алишер Умаров, Мудофаа вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси бошлиғи полковник Акмал Ортиқов мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби Қуролли Кучлар тизимида ҳам раҳбар ходимларнинг замонавий бошқарув кўникмаларини мунтазам равишда ошириб боришнинг аҳамияти хусусида сўз юритди.

Мудофаа вазирлиги раҳбар лавозимидаги офицерларнинг бошқарув маҳорати ҳамда касбий малакаларини ошириш мақсадида ташкил этилган навбатдаги ўқув курси Давлат бошқаруви академиясининг Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетида жорий йилнинг 22 июнида бошланиб, 2 июлда якунланди.

Ўқув машғулоти давомида малакали ҳамда юқори тажрибага эга профессор-ўқитувчилар томонидан назарий ва амалий машғулотлар олиб борилди. Натижада юрт ҳимоячилари эркин мулоқот

қилиш кўникмаси, дунё ва минтақадаги бугунги ҳарбий-сиёсий жараёнларни чуқур таҳлил қилган ҳолда мустақил қарорлар қабул қилиш малакасига эга бўлдилар. Шунингдек, курс тингловчиларига бошқарув асослари ва психологияси, тизимли таҳлил, тайм-менежмент, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мазмун-моҳияти қизиқарли, интерфаол методлар, тренинг машғулоти орқали ўргатилди. Якунда 72 соатлик малака ошириш курси битирувчиларига сертификат топширилди.

Тадбирда офицерлар ўқув курсини янада такомиллаштириш юзасидан таклифларини билдириб, бу масканда олинган билим ва кўникмаларини ўзлари хизмат қиладиган ҳарбий қисм ва муассасаларда моҳирона қўллашини таъкидлади.

– Бу даргоҳдаги малакали профессор-ўқитувчилар олиб борган машғулотларнинг муҳим натижаси шундаки, офицерлар таркиби бу ерда ўзлаштирган малакаларини ўзлари хизмат қиладиган ҳарбий округ ва қисмларда татбиқ этади, – дейди подполковник Бахтиёр Пардаев. – Ушбу академияда олган билимларимиз биз учун тизимда олиб бориладиган ислохотларга ҳамоҳанг тарзда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга хизмат қиладди.

Лейтенант Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

QURBON HAYITI MUBORAK!



O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti Namangan viloyati kengashi tasarrufidagi

Pop tumani o'quv sport-texnika klubi jamoasi

mamlakatimiz tinchligi va chegaralarimiz daxlsizligi uchun matonat bilan xizmat qilayotgan harbiylarni, yosh avlodni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash borasida faoliyat olib borayotgan mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti xodimlarini hamda barcha yurtdoshlarimizni muborak Qurbon hayiti munosabati bilan samimiy tabriklaydi.

Ushbu ayyom xonadoningizga fayz-u baraka olib kelsin!

Fursatdan foydalanib, O'STK jamoasi Pop tumanida istiqomat qilayotgan barcha yoshlarni "A", "B", "BC", "C", "E" toifali haydovchilik kurslariga o'qishga taklif qiladi.



Pop tumani Sang qishlog'i,
Bobur ko'chasi, 76-uy.

93-490-05-88; 97-372-42-07.

Xizmatlar litsenziyalangan.

Taqdimot

“04” UZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARIGA 30 YIL

Poytaxtimizdagi “G'alaba bog'i” yodgorlik majmuasining “Shon-sharaf” davlat muzeyida “O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 30 yil” kitob-albomining taqdimot marosimi bo'lib o'tdi.

BIR CHIMDIM

Sabr va vaqt kuch va ishtiyoqdan ham ko'pni beradi

LAFONTEN

RIVOYAT

Bir kuni podshoh dengiz sayohatiga chiqibdi. Uning hali dengizga chiqib ko'rmagan va yo'l azobini tortmagan bir quli ham bor edi. Kema suvga tushirilib, to'lqinlar ichra harakatlana boshlaganida, qulni vahima va qo'rquv qamrab oldi. O'z-o'zidan qaltirab, yig'lay boshladi. Atrofdagilar uni tinchlantirishga qancha urinishmasin, qulning vahimasi sira ham bosilmadi. Buni ko'rgan podshohning ham kayfiyati ancha buzildi. Lekin chorasi topilmasdi. Shunda kemandagi bir dono qariya shohga qarab:

– Sultonim amr etsalar, shu qulni o'zim tinchlantirsam... – dedi.

– Bizga katta yaxshilik qilgan bo'lardingiz, – dedi podshoh.

Qariya darhol: “Beliga arqon bog'lab, dengizga uloqtiring”, deya kemandagilarga amr qildi. Qariya aytganidek qilishdi. Uni bir necha marotaba dengizga sho'ng'itib olishdi. Qul og'zi-burnigacha suvga botib tipirchilay boshladi. Ma'lum muddat bu holat takrorlangach, qariya mashg'ulotni to'xtatdi. Ichlari suvga to'lgan qul kemaga chiqarildi. Ichgan sho'r suvlarini chiqarib olganlaridan so'ng hushiga keldi va kemandagi bir chetiga borib o'tirdi. Va nihoyat, qul tinchlandi. Endi u vahimaga tushib baqirmas va yig'lab hammani parishonxotir qilmas edi. Qariyaning tutgan dono tadbiridan podshoh mamnun holda so'radi:

– Bunda qanday hikmat bor edi?

Qariya javob qildi:

– Qulingiz dengizga chiqmaganligi bois uning qiyinchiligi va cho'kish azobini tortmagan edi. Shu sababdan kemandagi sokinlik qadrini bilmadi. Xuddi shunday, sog'liqning qadriga bemor odam yetadi.

@Vatanparvargazetasi_bot
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati bilan bog'lanish uchun telegram bot



SHU SONNING
ELEKTRON SHAKLI



Mudofaa vazirligi mas'ul ofitserlari, olimlar, tegishli vazirlik va idoralar vakillari, harbiy xizmatchilar ishtirok etgan tadbirda O'zbekiston Qurolli Kuchlarining tashkil etilishi, shakllanishi va bugungi kunini aks ettirgan kitob-albom milliy armiyamiz tarixi bilan qiziqqan keng o'quvchilar ommasi uchun munosib tuhfa bo'lgani e'tirof etildi.

– Mudofaa vazirligining tarixi misolida sobiq Ittifoq hududida turli qurolli to'qnashuv va qarama-qarshiliklar yuz berayotgan g'oyat murakkab sharoitda buyuk tariximiz va ajdodlarimizga munosib, xalqimiz, mamlakat xavfsizligini ta'minlashga

qodir armiyani yaratish yo'lida olib borilgan mashaqqatli va zalvorli ishlar, mustaqillik yillarida harbiy sohada amalga oshirilgan hamda bugungi kunda izchil davom ettirilayotgan ulkan islohotlar jarayoni ilmiy, publitsistik asosda yoritilgan, – deydi kitob mualliflaridan biri Ibadulla Altinov.

Mudofaa, Ichki ishlar, Favqulodda vaziyatlar vazirliklari, Milliy gvardiya, Chegara qo'shinlari, Davlat bojxona qo'mitasi faoliyatini, mustaqillikning ilk yillaridan boshlab hozirgacha kechgan jarayonlarni qamrab olgan kitob-albom harbiy-qurilish sohasidagi ilk qadamlar, harbiy

kadrlarni tayyorlash, qurol-yarog' va boshqa ta'minot turlari, jangovar tayyorgarlik, xalqaro hamkorlik, harbiy-vatanparvarlik tarbiyasiga oid qiziqarli maqolalardan tarkib topgan. Undagi fakt va raqamlar, tarixiy voqealar milliy armiyamizni tashkil etish va uning mudofaa qobiliyatini bugungi zamon talabi darajasiga yetkazish oson bo'lmagani haqida aniq tasavvur uyg'otadi, Qurolli Kuchlarimiz xalqimiz bilan bir tan-u bir jon bo'lib, yosh avlod uchun haqiqiy vatanparvarlik maktabiga aylangani hamda buyuk ajdodlar an'analariga mos ravishda shakllanayotgani xususida xulosalar beradi.

III darajali serjant Olim BERDIYEV

VATANPARVAR

MUASSIS



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MUDOFAA
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Tahririyat kengashi:

polkovnik Hamdam Qarshiyev
polkovnik Otabek Yuldashev
polkovnik Alisher Boboxonov
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.

Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – “Vatanparvar” birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Bosh muharrir:

podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo'lim: 71 260-29-41
faks: 71 260-32-29

Navbatchi: leytenant Islomjon Qo'chqorov

Sahifalovchi: Dilnoza Meliqo'ziyeva

Musahhih: Zebo Sariyeva

Buyurtma: F-0705

Hajmi: 6 bosma taboq

Bichimi: A3

Adadi: 29 397 nusxa

Bosishga topshirish vaqti: 14:00

Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Gazeta juma kuni chiqadi.

Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqqan boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.

Bahosi: kelishilgan narxda.

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:

100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.